Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 171 (13.127).
24 ИЮЛЬ
1965 йил
ШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

СУВЧИЛАРГА МУКОФОТ

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги коллегияси Тошкент, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм областлари ҳамда Қорақалпоғистон АССР колхоз ва совхозларининг энг илғор сувчиларидан 923 кишини «Ғўзани суғориш устаси» значоги билан мукофотлади.

Мукофотланганлар орасида Тошкент область Бўка районидаги Калинин номли колхоздан Х. Аҳмедов, Бекобод районидаги 1- ва 3- «Далварзин» совхозларидан А. Сандов, А. Ғойибназаров, Қорақалпоғистон АССР Амударё районидаги Энгельс номли колхоздан Е. Ёқубов, «Чимбой» совхозидан А. Каниёзов, Хоразм область Гурлан районидаги «Октябрь» колхозидан П. Исмоилова, Андижон область Наманган районидаги «Москва» колхозидан А. Набиев, Қашқадарё область Яккабоғ районидаги Калинин номли колхозидан Т. Холмуродов, Бухоро область Қоракўл районидаги «Правда» колхозидан Х. Жабборов ва бошқа моҳир сувчилар бор.

А. МИРКОМИЛОВ.

Сўнгги соатда

СИКТИВКАР. «Интауголь» комбинатига қарашли иккинчи шахтанинг шоҳ йўлларидан июль программасидан ташқари ёқилғи ортилган дастлабки темир йўл эшелони жўнатилди. Бу—қутб яқинидаги кочегарканинг етти ойлик топшириқини муддатидан олдин бажарган учинчи корхонасидир.

Печора кўмир ҳавзасининг шахтерлари етти йилликнинг тугалловчи йили ҳисобига ҳозирдаёқ пландан ташқари 350 минг тонна ёқилғи топширдилар.

●

ОЛМАОТА. СОВХОЗ ВА КОЛХОЗЛАРНИНГ АВТОМОБИЛЛАРИНИ РЕМОНТ ҚИЛИБ БЕРУВЧИ ҚОЗОҒИСТОНДАГИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАРДАН БИРИНЧИСИ БЎЛГАН ТУРГЕН ЗАВОДИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ. ЗАВОД БИР ЙИЛДА 1 МИНГ АВТОМАШИНАНИ РЕМОНТДАН ЧИҚАРАДИ.

●

ЛЕНИНГРАД. Асбобсозлик корхоналарида инсон қулоғи эшитолмайдиган товуш тўлқинлари деталларни ювадиган бўлади. Ленинградда яратилган тўрт типдаги ана шундай ультратовуш «кўмақчилар» синовдан муваффақиятли ўтди. (ТАСС).

●

ВАШИНГТОН, 23 июль. (ТАСС). Пайшанба куни Вашингтон яқинида президент Жонсон мудофаа министри Макнамара, давлат секретари Раск ва бошқа расмий кишилар билан яна кенгаш ўтказди. Оқ уйнинг матбуот масалалари билан шуғулланувчи секретари Мойерснинг айтишига қараганда, АҚШнинг Жанубий Вьетнамдаги қуролли кучлари статусига ва жанговарлик қобилиятига, қўшинлар таркибий составига бўлган ҳозирги ва келгусидаги эҳтиёжларга, шунингдек «АҚШнинг Шарқий-Жанубий Осиёдаги асосий сиёсий мақсадларига» катта эътибор берилди.

●

АШХОБОД, 23 июль. (ТАСС). Бугун Ашхободда олтинчи чақириқ Туркманистон ССР Олий Советининг бешинчи сессияси очилди. Сессия муҳокамасига қуйидаги масалалар қўйилган: Туркманистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1965 йилги плани ҳақидай бажарилаётганлиги тўғрисида. Туркманистон ССРда йўл қурилишининг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида; Туркманистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш.

ЁШЛАРНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИ

Правда

Шу кунларда мактабларни тамомлаб чиққан ёшлар мустақил ҳаёт йўлига қадам қўймоқдалар. Масалан, Россия Федерациясининг ўзидагина 430 мингдан кўпроқ йигит ва қиз ўрта мактабни тамомлаганлиги тўғрисида шаҳодатнома олди. Кўп йиллар мобайнида ўқитувчилар уларни билимлар билан қуроллантириб келдилар, уларнинг характерларини шакллантирдилар, уларга меҳнатсевар бўлишни, Ватанни меҳр-муҳаббат билан севишни, Коммунистик партия ишига садоқат билан хизмат қилишни ўргатдилар.

Мамлакатимизда ёшларга кенг, порлоқ йўллар очиб қўйилган. Уларнинг ўз кучлари ва қобилиятларини татбиқ қилишлари учун, ижодий меҳнат билан шуғулланишлари учун бутун шарт-шароит яратиб берилган. Уларни корхоналар ва қурилишлар, далалар ва фермалар кутиб турибди. Урта мактабларни тамомлаб чиққанлар учун университетлар, институтлар, консерваториялар, техникумлар ва билим юртлари тайёр. Ҳар бир ёш турмушда, умумий меҳнаткашлар сафида ўз ўрнини белгилаб олиши керак, холос.

Мактабни тамомлаш биланоқ, ишлаб чиқаришга бориб ишлашга жазм қилиб қўйган йигитлар ва қизлар оз эмас. Қолган ёшлар ўқишни давом эттириш ниятида. Улар кириб ўқийдиган олий ва ўрта махсус ўқув юртлари жуда кўп. СССРда 800 га яқин олий ўқув юртлари бор. Бу йил шу ўқув юртларининг биринчи курсларига 830 мингдан кўпроқ киши, шу жумладан уларнинг кундузги бўлимларига 370 минг киши қабул қилинади. Ёшларнинг бир қисми ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга киради.

Шундай бўлса ҳам, совет ёшларининг илм олишга интилиши шу қадар каттаки, ўқишни истаганларнинг ҳаммаси ҳам конкурс имтиҳонларидан ўтишга муваффақ бўла олмай қоладилар. Шунинг учун ҳам мактабни тамомлаб чиққан ёшлардан бирор кишининг ҳам иш тополмай қолмаслиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш жуда зарур.

Санкиз йиллик мактабни тамомлаб чиққан ўсмирлар алоҳида диққат ва эътиборни талаб қиладилар. Бундай болалар учун бир неча йўл бор. Шу йўллардан бири — тўқизинчи синфларда ёки ўрта махсус ўқув юртларида ўқишни давом эттиришдир. Минг-минглаб ўсмирлар профессионал-техника билим юртларига ўқишга кирадилар. Ниҳоят, шу ўсмирларнинг жуда кўп қисми корхоналарга бориб ишлайди.

Урта ва санкиз йиллик мактабларни тамомлаб чиққан ёшларни ишга жойлаштириш катта давлат аҳамиятига эга. Бу вазифани бажаришда партия ва совет органлари, заводлар, қурилишлар, колхозлар, совхозларнинг раҳбарлари ҳал қилувчи роль ўйнайдилар.

Мисол учун Омск, Новосибирск, Рязань областларини олиб кўрайлик. Бу областларда мактабни тамомлаб чиққан ёшлар тўғрисида жиддий ғамхўрлик қилинмоқда. Улар учун корхоналарда олдиндан жойлар ажратилиб қўйилмоқда. Қонда тариқасида ёш ишчиларга тажрибали мастерлар таълим бермоқдалар, уларга ҳамиша диққат ва эътибор билан қарамоқдалар, уларнинг меҳнат коллективларининг тўла ҳуқуқли аъзолари бўлиб қолишларига ёрдамлашмоқдалар. Шу областларнинг партия ва совет органлари, жамоатчилиги мактабни тамомлаб чиққан ўсмирлардан бирортасининг ҳам ишга кирмай ланқиллаб юрмасдан, ё ўқиши, ёки ишлаши учун ҳамма имкониятлардан фойдаланмоқдалар.

Афсуски, ҳамма жойда ҳам шундай қилинаётир, деб бўлмайди. Лоақал Узбекистонни олиб кўрайлик. Республика шаҳарларида ўқишни тамомлаганидан кейин шу вақтгача ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмай юрган ўсмирлар ва ёшлар оз эмас. Баъзан у ёки бу корхоналарнинг раҳбарлари йигит ва қизларни, айниқса 18 ёшга тўлмаган ёшларни ишга қабул қилишга турли йўллар билан қаршилик кўрсатмоқдалар. Ишлаб чиқаришда ёш ишчиларга қулай шароит яратиб берилмаганлигини кўрсатувчи ҳоллар кўп. Масалан, Тошкент шаҳридаги тўқимачилик комбинатида ўтган йил биринчи марта ишга қабул қилинган 280 ёшдан 160 тадан кўпроғи кетиб қолганлиги тасодифий эмас. Тошкент подшипник заводида мактабни тамомлаганидан кейин ишга қабул қилинган ёшларнинг ярмидан кўпи кетиб қолган экан, демак, бу заводда ҳам ёшлар тўғрисида, уларнинг эҳтиёжлари ва талаблари тўғрисида бош қотирилмаётганга ўхшайди.

Бошқа республикалар, ўлкалар ва областларда ҳам бундай фактлар оз эмас. Чунончи, 1964 йилда мактабларни тамомлаб чиққан ёшларни ва ўсмирларни ишга жойлаштириш планининг Ростов областида фақат учдан бир қисми, Курск областида бу планнинг ярмидан камроғи бажарилди. Зотан шу планларнинг ўзи ҳам баъзан ўйланмасдан, у ёки бу касбдаги ишчи кадрларга бўлган ҳақиқий эҳтиёж ҳисобга олинмасдан тузилмоқда. Россия Федерациясидаги планлаштирувчи органларнинг маълумотларига қараганда, бу йил камида 620 минг киши ишга жойлаштирилади, деб мўлжалланган эди. Бироқ, бу масала аниқланганида, яна 100 мингдан кўпроқ йигит ва қиз ишга жойлаштирилишга муҳтож эканлиги равшан бўлиб қолди.

Яқинда РСФСР Министрлар Совети 1965 йилда санкиз йиллик ва ўрта умумий таълим мактабларини тамомлаб чиқаётган ўсмирларни ва ёшларни ишга жойлаштириш ва уларга касб ўргатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Корхоналарга, қурилишларга, ташкилотларга белгиланган топшириқлар тасдиқланди ҳамда йигитлар ва қизларни ишга олмоқ учун жойлар ажратиб қўйилди. Турли ихтисосларни ўргатадиган курслар очилмоқда, профессионал-техника билим юртларига қабул қилиш кўпайтирилмоқда.

Ўсмирларни, йигит ва қизларни ишга жойлаштириш, уларга касб ўргатиш билан боғлиқ бўлган ҳамма масалалар ҳали кўриб чиқилмаган республикалар, ўлкалар, областларда яқин фурсатда бу масалалар кўриб чиқилишига эришмоқ керак.

Мактабни тамомлаб чиққан, айниқса ўрта маълумот олган ёшлар ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонларнинг сафларини тўлдирувчи муносиб кишилар бўлишлари мумкин ва лозим. Утган йиллардаги практика шуни кўрсатиб турибдики, мактабларни тамомлаб чиққан ёшларнинг кўпчилиги фан асосларини билиб олганликлари туфайли корхоналарда мураккаб ихтисосларни тез эгаллаб олмоқдалар, кўпинча ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари бўлиб қолмоқдалар. Лекин бунинг учун дастлабки пайтларда уларга аҳлли, тажрибали мураббийлар керак, корхоналарнинг, партия, касаба союз, комсомол ташкилотларининг раҳбарлари уларга эътибор бериб ва ғамхўрлик қилиб туришлари керак. Аммо, мактабнинг, ўқитувчиларнинг ҳам ўзлари тарбиялаб чиқарган ёшларни унутиб қўймасликлари, уларнинг мактабдан кейинги тақдирига бепарво бўлмасликлари лозим.

Кейинги йилларда Украинада, Ставрополь, Краснодар ўлкаларида, мамлакатнинг бошқа бир қанча районларида кўпгина қишлоқ мактабларини тамомлаб чиққан ёшлар ўз колхозлари ва совхозларида ишлаб қолдилар. Бу йил ҳам минг-минглаб йигит ва қизлар ўзларини қишлоқ хўжалигида меҳнат билан шуғулланишга бағишлашга жазм қилиб қўйдилар. Ёшларнинг бу ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш керак. Масалан, Кострома областида тўғри иш қилмоқдалар. Бу областда колхозлар ва совхозларда ишлаш учун қолган ёшларга доимий ёрдам бериб турилибди. Масалан, бу йил область партия комитетининг бюроси ёшларни область хўжаликларида сақлаб қолмоқ учун бир қанча чоралар кўришини мўлжаллаб қўйди — меҳнатга гарантияланган миқдорда ҳақ тўлаб туриш, уйлар қуриш учун қайтариб олинмайдиган маблағлар, материаллар бериш кўзда тутилмоқда, ётоқхоналар қуриб берилмоқда, ўқишни давом эттириш имконияти бериб қўйилмоқда. Область қишлоқларининг меҳнатчашлари сафи мактабларни тамомлаб чиққан ёшлар билан тўлиб, тобора кўпаяётганлиги ажабланарли эмас.

Бироқ, баъзи жойларда жиддий иш олиб бориш ўрнига, дабдабали шовқин-сурон кўтариш ва баландпарвоз гаплар айтиш билан чекланмоқдалар. Амалда эса, ёшларнинг эҳтиёжларини ва талабларини унутиб қўямоқдалар.

Ёш ўринбосарлар тайёрлашдаги ҳар қандай нуқсонларга ҳозирги вақтда айниқса чидаб туриб бўлмайди. Партия ва совет органларининг, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, жамоатчиликнинг бевосита бурчи шуки, улар ўрта мактабни ёки санкиз йиллик мактабни тамомлаб чиққан ёшлардан биронтасини ҳам, ўқишни ва ишни ташлаб кетган биронта ўсмирни ҳам эътибордан четда қолдирмасликлари керак. Ёшларнинг ўзларига ёқадиган ишни танлаб олишларига, ўз қобилиятларини бутун чоралар билан ривожлантиришларига, уларнинг меҳнатсевар бўлиб тарбияланишларига, ўз касблари билан фахрланадиган бўлишларига, ўзларининг бутун кучларини одамларга, жамиятга, жонажон мамлакатга сарфлашлари учун қизғин интилишларига кўмаклашмоқ керак.

(23 ИЮЛДАГИ БОШ МАҚОЛА).

ҚАРДОШЛАР МУСОБАҚАСИ

ҚИММАТЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Озарбайжон ССР қишлоқ хўжалик ходимларининг бир группаси Тошкент область далаларида текшириш ўтказмоқда. Суратда: Озарбайжон ССР Жданов районидаги Ленин номли совхозининг директори М. Мамедов ва Кусарчой зонатажриба станциясининг директори М. Атакишиев ўртоқлар Янгийўл районидаги «Узбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг раиси И. Аҳмедов билан далада суҳбатлашишмоқда. Қ. Розиқов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ОЗАРБАЙЖОНЛИК ПАХТАКОРЛАР ЎРТА ЧИРЧИҚ ДАЛАЛАРИДА

ТУИТЕПА, (Тошкент области), 22 июль. (ЎзТАГ мухбири О. Панова). Озарбайжон ССР қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ўзаро текшириш бригадаси группаларидан бири Урта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли», «Полярная звезда», Терешкова номли ва бошқа колхозларнинг далаларида бўлди. Терешкова номли колхознинг тажрибали соҳибкорлари Юсуфали Юнусов, Ҳаким Саидгозиев ва бошқалар бошчилик қилаётган механизациялашган звеноларнинг далаларидаги бўлиқ ғўзалар меҳмонларни қувонтирди. Мусобақадош дўстлар ғўзанинг ҳар бир тупидан 17-20 тадан кўсак санадилар.

Меҳмонлар колхоз правленнесининг раиси Умри Ҳасановнинг айтганларини зўр мароқ билан тингладилар. Бу колхозда шу йили меҳнатга нарядсиз ҳақ тўлаш усули жорий қилинди. Бу қимматли янгилик меҳнат унумдорлигини оширди ва дала ишларининг сифатини яхшилади.

Озарбайжонлик вакиллар Урта Чирчиқ хўжаликларидаги пахтазорлар билан танишиб, район меҳнаткашлари сув таъминслиги туғдирган қийинчиликларни бартараф этиш учун ўзларининг бутун куч-ғайратларини сарфламоқдалар, деган хулосага келдилар. Пахта далаларида ғўзаларни учинчи суғориш тугалланмоқда, оқова сувдан фойдаланиш асосий резервлардан биридир. Кўпгина хўжаликларда насослардан кенг фойдаланилмоқда. Коллекторларнинг соҳилларида 37 та кучли насослар ўрнатилган. Бу насослар ҳар секундда 3,5 куб метр оқова сувни далага узатиб, бир суткада 400 гектарча пахтазор суғорилмоқда.

Киров номли совхозининг Мутал ота Қаюмов бошлиқ бригадаси даласида самимий суҳбат бўлди. Озарбайжондаги Киров номли колхознинг бригада бошлиғи, Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор Сифаи Мусаева бу ердаги ғўзаларга юқори баҳо берди.

— Сизлар билан мусобақалашаверамиз,— деди Сифаи. — Сизлар мўл ҳосил етиштиряпсиз, бизлар ҳам ҳар гектар ердан кўп пахта етиштирмоқдамиз.

Мутал ота ўз ҳаётининг 50 йилдан кўпроғини пахтачиликка бағишлади. Ҳозир у 74 ёшда. Сифаи эса 36 га кирган. У 16 йиллик тажрибага эга. Утган йили Сифаи бошлиқ бригада 110 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42 центнер пахта йиғиштириб олди, бу йил эса 44 центнерга етказиладн. 200 тонна «оқ олтин»ни машиналар билан териб олишга қарор қилинди.

Мутал ота бригада аъзолари билан маслаҳатлашиб бундай деди: ҳар гектар ердан 35 центнердан пахта берамиз. Бу эса, топширинда кўзда тутилганидан ўн центнер кўпдир. Еримиз унча яхши бўлмаса ҳам, яхши тайёргарлик кўрмоқдалар. Ҳосилнинг ярмини машиналарда териб оламиз.

Даланинг ўзида икки бригадир шартнома имзолашди.

Узаро текшириш бригадасининг аъзолари таъкидлаб ўтганидек, Урта Чирчиқ районининг пахтакорлари машина теримига ҳам яхши тайёргарлик кўрмоқдалар. Ҳосилини машинада териб олиш учун йигирма минг гектар пахтазор ажратилган. Бу эса ўтган йилдагига нисбатан тўрт минг гектар кўпдир. 360 «зангори кема» ҳозирдаёқ шай қилиб қўйилди. Ғўза баргини тўктириш учун дефолиантлар ташиб келтирилди.

Озарбайжон вакиллари райондаги колхоз ва совхозларда ғўзанинг аҳволи билан таниша туриб, бир қанча камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтдилар. Баъзи хўжаликларда суғориш кечиктирилаётир, кўпгина участкаларда чеканка сифатсиз ўтказилмоқда, бегона ўтларни ҳам учратиш мумкин. Меҳмонлар ғўза парваришидаги камчиликларни қандай қилиб тезроқ тугатиш кераклиги тўғрисида маслаҳат бердилар.

МЎЛ ҲОСИЛ НИШОНАСИ

ТОЖИКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ДАЛАЛАРИДА

Мусобақадош Тожикистон пахтакорларининг бир группаси Қашқадарё областининг Қарши, Яккабоғ районларида зиммага олинган мажбуриятнинг бажарилишини текширмоқдалар. Яккабоғ район партия ташкилоти 1965 йил учун олинган мажбуриятини бажаришга механизаторларни яхши сафарбар этган. Район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга пилла, тухум сотиш йиллик планларини муддатидан олдин бажардилар. Район колхозлари давлатга ғалла сотиш йиллик планини ва мажбуриятини ҳам областда биринчи бўлиб бажардилар. Ҳозиргача давлатга 271 ўрнига 600 тонна ғалла сотилди. Колхозларнинг ғаллакорлари планга нисбатан уч ҳисса кўп бугдой сотишга қарор қилганлар.

25 минг тонналик хирмон учун курашаётган район пахтакорларининг иши ҳам мусобақадошларни хурсанд қилди. Кўпчилик хўжаликларда ҳосил тўплаш учун олиб борилаётган кураш қониқарлидир. Хусусан, Энгельс номли колхозидаги Э. Бегимқулов, А. Холиқов, Э. Мўминов, Калинин номли колхозидаги У. Кудратов, А. Норматов, «Правда» колхозидаги Э. Олтиев, Р. Бекназаров, «Коммунизм» колхозидаги О. Тўхтаев, Р. Санаев, «Марксизм» колхозидаги А. Чориев, Ё. Исмоилов ўртоқлар бошлиқ юқори ҳосилли бригадаларда 35-40 центнердан хирмон кўтаришга мустаҳкам замин яратилмоқда.

Меҳмонлар бирон жойда сув исроф қилинганини ёки чаңқатиб қўйилган ғўзани кўрмадилар. Бу, сувчиларнинг сидқидилдан ишлаётганини кўрсатади.

11 колхознинг деярли ҳамма пахтачилик бригадасида қулай маданий-маиший шароит яратилган. 122 бригаданинг 80 процентида типовой дала шийпони бор. Уларнинг кўпчилигида газлаштирилган душ қурилган. Ясли ва боғчалар соз. Районда ҳашаротга қарши кураш яхши уюштирилган.

Мусобақадошлар бир қатор камчиликларни ҳам аниқладилар. Ғўзани вақтида чеканка қилишга эътибор берилмаяпти. Натижада баъзи жойларда экин ғовлаб кетмоқда. Калинин номли колхозининг А. Холмуродов, Энгельс номли колхозининг Э. Абдураимов, «Коммунизм» колхозининг Қ. Маъдиев, «Марксизм» колхозининг Э. Худойбердиев, А. Чориев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида қолоқ ғўзаларни табақалаб парвариш қилишга, қўшимча озиқлантиришга кам аҳамият берилаётир. Айрим карталар муддатидан ўтказилиб культивация қилинаётир.

Мусобақадошларнинг Қарши районида бўлган группаси ҳам Энгельс номли, «Ленинизм», «Москва», «Ленин йўли» колхозларида, «Партия XX съезди», «Қашқадарё» ва «Бешкент» совхозларида ҳосил тўплаш учун курашда ютуқлар билан бирга, йўл қўйилаётган жиддий камчиликларни ҳам кўрсатишмоқда.

З. ИСРОИЛОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

УГАНДА БОШ МИНИСТРИ ШАРАФИГА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати Совет Иттифоқида расмий визит билан меҳмон бўлиб турган Уганда бош министри доктор Аполло Милтон Оботе шарафига 22 июлда Катта Кремль Саройида ионушта зиёфат берди.

Уганда бош министрининг Совет Иттифоқи бўйлаб сафарида унга ҳамроҳ бўлган Угандининг бошқа давлат арбоблари бош министр билан бирга бўлдилар.

Совет томонидан Г. И. Воронов, А. Н. Косигин, М. А. Суслов, Н. М. Шверник, СССР Министрлари Совети Раисининг ўринбосарлари В. Н. Новиков, И. Т. Новиков, К. Н. Руднев ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ РУМИНИЯДА БЎЛИШИ

БУХАРЕСТ, 23 июль. (ТАСС). Руминия Компартиясининг IX съездида қатнашаётган КПСС делегациясининг аъзолари кеча Аржеш областидаги Штефэнешть тажриба богдорчилик-узумчилик хўжалигини бориб кўрдилар. Хўжалик раҳбарлари адирларда мева дарахтлари ва ток ўстириш усулларини совет меҳмонларига гапириб бердилар.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

П. М. СОЛОВЬЕВГА «УЗБЕКИСТОН ССР ДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ВРАЧ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги узоқ йиллик, самарали иши ва хизматлари учун Самарқанд шаҳар бирлашган клиника касалхонаси бош врачининг ўринбосари Петр Маркович **Соловьевга** «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвони берилсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САҲИБОЕВ.

1965 йил 23 июль,
Тошкент шаҳри.

ДЎСТЛИГИМИЗ РИВОЖЛАНАВЕРАДИ

СОМАЛИ РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ АССАМБЛЕЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИДА БЎЛИШИГА ДОИР

Сомали Республикасининг миллий ассамблея президенти Аҳмад Шайх Муҳаммад Абсиё бошчилигидаги парламент делегацияси СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси И. В. Спиридонов ва СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Я. В. Пейве таклифига биноан, Совет Иттифоқига расмий визит билан келиб, 1965 йил 6 июлдан 21 июлга қадар меҳмон бўлиб турди.

Делегация Совет Иттифоқида бўлган вақтида Москвани, шунингдек, Вильнюс, Ленинград, Олмаота ва Қозон шаҳарларини бориб кўрди. Меҳмонлар совет халқи эришган муваффақиятлардан қойил қолганликларини айтдилар. Сомали парламентининг аъзолари ҳамма жойда самимият ва хушрўйлик билан кутиб олинди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян делегацияни қабул қилиб суҳбатлашди, бу суҳбат самимий ва дўстона вазиятда ўтди. Шунингдек, делегация СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Я. В. Пейве билан ҳамда Москва ва Ленинградда, Литва Совет Социалистик Республикасида, Қозоғистон Совет Социалистик Республикасида ва Татаристон Автоном Совет Социалистик Республикасида ҳам бошқа расмий кишилар билан учрашди ва суҳбатлар ўтказди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян делегацияни қабул қилиб суҳбатлашди, бу суҳбат самимий ва дўстона вазиятда ўтди. Шунингдек, делегация СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Я. В. Пейве билан ҳамда Москва ва Ленинградда, Литва Совет Социалистик Республикасида, Қозоғистон Совет Социалистик Республикасида ва Татаристон Автоном Совет Социалистик Республикасида ҳам бошқа расмий кишилар билан учрашди ва суҳбатлар ўтказди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян делегацияни қабул қилиб суҳбатлашди, бу суҳбат самимий ва дўстона вазиятда ўтди. Шунингдек, делегация СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Я. В. Пейве билан ҳамда Москва ва Ленинградда, Литва Совет Социалистик Республикасида, Қозоғистон Совет Социалистик Республикасида ва Татаристон Автоном Совет Социалистик Республикасида ҳам бошқа расмий кишилар билан учрашди ва суҳбатлар ўтказди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян делегацияни қабул қилиб суҳбатлашди, бу суҳбат самимий ва дўстона вазиятда ўтди. Шунингдек, делегация СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Я. В. Пейве билан ҳамда Москва ва Ленинградда, Литва Совет Социалистик Республикасида, Қозоғистон Совет Социалистик Республикасида ва Татаристон Автоном Совет Социалистик Республикасида ҳам бошқа расмий кишилар билан учрашди ва суҳбатлар ўтказди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян делегацияни қабул қилиб суҳбатлашди, бу суҳбат самимий ва дўстона вазиятда ўтди. Шунингдек, делегация СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Я. В. Пейве билан ҳамда Москва ва Ленинградда, Литва Совет Социалистик Республикасида, Қозоғистон Совет Социалистик Республикасида ва Татаристон Автоном Совет Социалистик Республикасида ҳам бошқа расмий кишилар билан учрашди ва суҳбатлар ўтказди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян делегацияни қабул қилиб суҳбатлашди, бу суҳбат самимий ва дўстона вазиятда ўтди. Шунингдек, делегация СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Я. В. Пейве билан ҳамда Москва ва Ленинградда, Литва Совет Социалистик Республикасида, Қозоғистон Совет Социалистик Республикасида ва Татаристон Автоном Совет Социалистик Республикасида ҳам бошқа расмий кишилар билан учрашди ва суҳбатлар ўтказди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян делегацияни қабул қилиб суҳбатлашди, бу суҳбат самимий ва дўстона вазиятда ўтди. Шунингдек, делегация СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Я. В. Пейве билан ҳамда Москва ва Ленинградда, Литва Совет Социалистик Республикасида, Қозоғистон Совет Социалистик Республикасида ва Татаристон Автоном Совет Социалистик Республикасида ҳам бошқа расмий кишилар билан учрашди ва суҳбатлар ўтказди.

Сомали парламентининг аъзолари Совет Иттифоқи билан Сомали Республикаси ўртасидаги мавжуд муносабатлар яхши эканлигини ва муваффақиятли ривожланиб бораётганлигини қайд қилдилар. Делегация аъзолари СССР Олий Совети билан Сомали Республикаси миллий ассамблеяси ўртасидаги алоқа ва муносабатларни бундан буён давом эттира беришни ва ривожлантира беришни истаганликларини айтдилар.

Сомали парламенти делегациясининг СССРга қилган визити Совет Иттифоқи билан Сомали Республикаси ўртасидаги дўстлик муносабатларини янада ривожлантириш ишига хизмат қилади.

(ТАСС).

ТАСС АҲБОРОТИ

«КОСМОС-76» ПАРВОЗДА

1965 йил 23 июлда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос—76» учирилди. Йўлдош ичига ТАСС 1962 йил 16 мартда эълон қилган программага мувофиқ космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Йўлдош параметрлари қуйидагича бўлган орбитага чиқарилди:

— Бошланғич айланиш даври 92,2 минут;

— Ер сатҳидан максимал узоқлашуви (апогейида)—530 километр;

— Ер сатҳидан минимал узоқлашуви (перигейида)—261 километр;

— Орбитанинг оғиши 48,8 градус.

Йўлдошда илмий аппаратлардан ташқари, орбита элементларини аниқ ўлчайдиган радио система: приборлар ва илмий аппаратларнинг иши тўғрисидаги маълумотларни ерга юбориб турадиган радиотелеметрик система бор.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш — ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

Партия туғмуши

ШУНҚОРЛАР

Олимшо катта пайкалга сув тараб бўлди-да, эгатларни кўздан кечириб, ўқарик бўйига чиқди. Пешана тери оқиб, баданига ёпишган кўйлагини елка, билакларидан кўчириб ёлпинди, ҳузур қилиб нафас олди. Сўнг кетмонини ерга қўйиб эгатларга тикилиб қолди.

— Ҳорманг, Олимшо!

Сувнинг оқишига маҳлиё бўлган Олимшо партком секретари Неъматжон Ризаевнинг келганини ҳам сезмай қолган эди.

— Саломат бўлинг, келинг ўртоқ секретарь!

— Бугун кун ёндими дейман, — деди у юзидаги терни артаркан.

— Иссиқ бўлгани яхши. Ғўзамиз шунақа иссиқда тобланиб, баравж ўсади-да, — жавоб берди сувчи.

Секретарь Олимшодан анча вақт нигоҳини узмади. Улар ўртасидаги суҳбат анча маҳалга чўзилди. Бутун гап сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, ғўзани яхши парвариш қилиш тўғрисида борди.

— Ҳозир жуда нозик пайт. Сал бепарволик бўлса ҳам ютқазиб қўямиз. Қаранг, ўз вақтида ишланган ғўзаларимизнинг ривожи яхши, ҳар туп ғўзада 4-5 тадан кўсак бор...

Секретарь Олимшо Овуловнинг ишидан мамнун бўлгач, бошқа бригадага ўтиб кетди. У кун бўйи сувчиларнинг иши билан танишди, коммунист сувчилар билан суҳбатлашди. Эртага бўладиган партия йиғилишида нималар тўғрисида гапириши лозимлигини ҳаёлидан ўтказди, блокнотига тажрибали сувчиларнинг қимматли фикрлари, рақамлар ёзилди.

Эртаси куни партия йиғилиши ўтказилди. Йиғилишга барча коммунистлар актив қатнашди. Коммунистлар Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш тўғрисидаги қарорини кенг муҳокама қилдилар.

— Ғўзамиз чақалоқнинг ўзи. Лекин ғўза парваришида агротехника тадбирлари тўла амалга оширилмаётир. Айниқса, сувчиларимиз ишида камчиликлар бор. Сув камчил бўлишига қарамай айрим сувчилар сувдан тежаб-тергаб фойдаланишга эътибор беришмаяпти, — деди правление раиси, коммунист ўртоқ И. Низомов.

Коммунистлардан Олимшо Овулов, Комилжон Маматрайимовлар суғоришдаги ўз тажрибаларини гапириб беришди. Яна икки-уч коммунист ҳам сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш зарурлиги ҳақида сўзлашди. Партком секретари ўртоқ Ризаев ҳам гапирди. Партия йиғилиши сувчиларнинг ишини яхшилаш, уларнинг масъулиятини ошириш, коммунистлар ҳисобига сувчилар сафини кенгайтириш ҳақида қарор қабул қилди.

Андижон область, Москва районидаги «Ленинизм» колхозида ғўза парвариши намунали ташкил этилган. Ғўза қатор ораларини ишлашда коммунистлар пешқадам. 104 коммунист механизатор авангардлик намуналарини кўрсатиб ишлашмоқда. Коммунистлардан 10 киши «пўлат от»ларни бошқариб, мавсумда 1100-1200 гектардан майдондаги ғўзага ишлов бериш учун аҳд қилишган. Ғўзани суғоришда 25 коммунист фидокорона меҳнат қилишаётир. Бу ишда ёш коммунистлар ҳам орқада қолмаётирлар.

Мана, ёш коммунист Шарофатхон Юсупова. У бошлиқ бўлган пиллачилик бригадаси катта хирмон кўтарди. 60 қути қурт уруғидан 61 килограммдан пилла топширди. Моҳир пиллакор, ташкилотчи коммунист пилла топширилиб бўлингач, техника жиловини яна маҳкам ушлади. У ҳозирги кунларда колхознинг 11- бригадасида ғўзани культивация қилишда бошқаларга ўрнак бўляпти. Қуёш билан тенг дала сари бораётган, техниканинг тўхтовсиз ишлашини таъминлаётган бу сергайрат қиз унумли ва сифатли иш бажармоқда. У культивация қилган карталардаги ғўзалар гул-гул яшнаб кетмоқда.

Шу кунларда колхоз пахтазорларида бўлган киши ғўзасини юрак ҳарорати билан яшнатаётган, сув деса шарбат, овқат деса ўғит бериб кўсакларни кўпайтириш учун жавлон уриб ишлаётган пахтакор ва механизатор, сувчиларнинг ишидан бехад хурсанд бўлади. Коммунистлар ғўза парваришининг шунқорлари бўлишяпти. Олимшо Овулов, Шарофатхон Юсупова, Ҳакимжон Қодиров, Комилжон Маматрайимов сингари коммунист механизаторлар ва сувчилар социалистик мусобақанинг жонкуярлари. Улар ўз ишлари билан бошқаларни янги марраларга илҳомлантирмоқдалар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдувакоб Қўқоров, Узбекистон ССР Олий Советининг депутати Сотволди Раҳмонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ғўза қатор оралариға ҳозир тўртинчи комплекс ишлов бериш авж олдирилган. Бу бригадаларнинг аъзоматлари 81-91 гектардан ернинг ҳар гектаридан мамлакатга 45 центнердан «оқ олтин» армуғон этиш йўлида курашмоқдалар.

Колхоз партия комитети коммунист ва комсомолларнинг авангардлигини таъминлаб, колхозчиларни КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларини изчил амалга оширишга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини таъминлашга ундамоқда. Партиявий-ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларни кучайтиряпти. 31 агитатор колхозчилар ўртасида тушунтириш ишларининг мазмуни ва таъсирчанлигини оширишга ҳаракат қилишмоқда. Манноб Юнусов, Ўлмас Рўзибеков каби сиёсий ташкилотчилар сувчи, механизаторларнинг илғор тажрибаларини кенг оммалаштирмоқда.

970 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан хирмон кўтаришга қатъий бел боғлаган колхоз деҳқонлари, коммунистлари ғўза парваришини ҳар сафар тезу соз ўтказмоқдалар. Бегона ўтлардан тозалаш, суғориш, озиқлантириш, культивация ва ҳашаротга қарши кураш ишлари тобора қизитилмоқда. Ҳозир колхознинг пахтазорларида бўлсангиз ҳар туп ғўзада 4-5 тадан бўлиқ кўсак санайсиз.

Н. МЎМИНОВ.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

ЗАРБДОР

Шахтёр коржомасида турган мана шу йигитнинг сурати корхона «Ҳурмат тахтаси»дан тушмайди. Бунга у фидокорона меҳнати билан сазовор бўлмоқда. Ҳақиқатан ҳам Самарқандаги Ингичка конига қарашли «Капитальная» шахтасида бўлган киши бу йигитнинг довруғини эшитади.

Биз ҳам яқинда шу шахтада бўлдик. Кончи йигит Нарзулла Норбоевнинг илғорлиги, тажрибалари, устозларига бўлган ҳурмат ва эҳтироми ҳақида кўп гапларни эшитдик. Нарзулла дастлаб уста пармаловчиларга шогирд тушди. Пармалаш машиналарининг тузилишини қисқа вақтда ўрганиб олди. Уни моҳирлик билан бошқариш учун вақтини сира аямади.

— Кенса кончи Василий Веселов ва Очил Худойқуловлардан бир умрга миннатдорман, — деб ҳикоя қилади Нарзулла. — Улар менга насб ўргатишди. Келажакда ҳаёт йўлимни тўғри белгилай олишимга жонкуярлик қилишди. Уз фарзандларидек меҳрибонлик билан менга ўз тажрибаларини ўргатишди. Вақти келганда жиддий гаплар айтиб, менинг камчиликларимни тузатишга ёрдам беришди. Тўғри, айрим гаплари ўша вақтларда менга бир оз оғир ботган бўлса ҳам, кейинчалик уларнинг фикрлари жуда тўғри эканлигига ўзим тан бермоқдаман. Ҳозир уларни отамдек қадрлайман ва ҳурмат қиламан.

Кўп тер тўкиш, изланиш, илғорлар тажрибасини кунт билан ўрганиш натижасида Нарзулла бешинчи разрядли пармаловчи бўлиб етишди. Ишда, турмушда тенгдошларига ва насбдошларига ҳар жиҳатдан намуна бўляпти.

Улуғ Октябрнинг шонли, эллик йиллиги ва В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги шарафига бошланган умумхалқ мусобақасига ёш коммунист Нарзулла ҳам қўшилди. Оширилган мажбурият ларни олиб, уни муваффақиятли адо этмоқда.

Нарзулла Норбоев смена топшириқларини ҳамиша 120-125 процентга етказиб адо этмоқда. Кон баҳодири деб мақталаётган моҳир пармаловчи насбдошларининг ҳам илғор бўлиши тўғрисида тинмай қайғуради. У Мели Эргашев, Аб. Дураҳим Тўхтаев, Беннибй Эшниёзов, Эсон Чаноев сингари ҳамкасблари билан бир сафда туриб, мусобақада олдинда бораётир. Нарзулла вақти келса уларга ўз тажрибаларини ўргатади, вақти келса ҳамкасблари эришган янги марраларни эгаллашга интилади, илғорлик сирларини билиб олишдан зерикмайди.

Зарбдор пармаловчи Нарзулла Норбоев шу кеча-кундузда август ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. Етти ойлик планни алланачон бажариб қўйган. Иш вақтидан тўғри, машина-механизмлар қувватидан самарали фойдаланиш натижасида янги-янги муваффақиятларга эришмоқда.

М. ҚОБУЛОВ,
М. НАСРИДДИНОВ.
Самарқанд даги Ингичка кони.

ФЕСТИВАЛЬ Ўзбекистонда давом этмоқда

Кечами-аввал куни бу тўғридаги гапларни фақат радио орқали эшитиш мумкин эди. Тошкент ва Чирчиқда, колхоз дала шийпони ва геология экспедициясининг чодирида, хуллас бутун Узбекистонда кино санъатининг минглаб ихлосмандлари IV Халқаро кинофестивалга тақдим этилган шу йилги энг яхши фильмлар ҳақидаги ҳар бир сўзга зўр диққат билан қулоқ солар эдилар. Бугун эса республика меҳнаткашлари шу фильмлардан баъзиларини кўриш, уларнинг ижодкорлари билан учрашиш имкониятига эга бўлиб турибдилар.

Фестиваль эстафетасини ўзбек элига биринчи бўлиб ҳинд киносининг арбоблари олиб келдилар. Шундан сўнг эстафетани бошқа мамлакатларнинг вакиллари давом эттирдилар.

Тошкентликлар 22 июлда Чехословакия делегациясини иссиқ чеҳра билан кутиб олдилар. Делегация составида Братислава студиясининг редактори ва сценарийчиси Моника Гайдишева, «Барандов фильм» киностудиясининг редактори Ярослав Перутка, кино танқидчи Юржи Струскалар бор. Чехословак меҳмонлар ўзлари билан «Баланд девор» фильмини олиб келишди.

Узбекистон пойтахти Руминия вакилларини — Руминия Халқ Республикаси Кинематография кенгаши правлениесининг аъзоси, профессор Дан Эноиескуни, кино артистлардан Ирина Петреску, Кристя Аврам, Флорин Пьерсинларни шоду хуррамлик билан кутиб олди. Улар «Оқ мавр» фильмини кўрсатишади.

«Монголкино» студиясининг бадиий раҳбари Ванган ҳамда Британия кино продюсерлари уюшмаси фестиваль комитетининг бош директори Жон Стейплтон ва унинг ватандоши кино танқидчи Дэвид Робинсон Узбекистонга азиз меҳмон бўлиб келишди. Улар олиб келган фильм «Ҳар нарсанинг ўз вақти бор» деб аталади.

Бирлашган Араб Республикаси кинематографиясининг арбоблари Узбекистонга ўзларининг «Интиқом» ва «Жаннатдан қувилган» фильмларини, Италия кино санъати ходимлари «Улар солдатлар кетидан боришди» картинасини юбордилар.

Шундай қилиб, фестиваль фильмларининг ўзбек элидаги намойиши бошланди. Бу фильмлар 22 июлда Тошкентдаги бир неча кинотеатрда кўрсатилди. Лекин шу куни фестиваль тантаналарининг маркази Санъат саройида бўлди. Бу саройнинг катта экрани ҳиндларнинг «Сангам» фильмига бериб қўйилди.

Муҳаббат ва дўстликни тараннум қилувчи бу фильм билан таништириш сира кутилмаган қувончли воқеа билан бошланди. Бош ролни ижро этган Раж Капур экранда кўринишдан аввал Сарой саҳнасига чиқиб келди. Йиғилган кишилар талантли актер ва режиссерни гулдурос қарсаклар билан кутиб олишди. Унинг энг яхши асарлари тинчлик ва инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган.

Раж Капур илтифот учун чин юракдан ташаккур билдиргач, Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон халқларини бир-бирига боғлаб турган жуда яқин дўстлик ипларини тўғрисида гапирди. У, шундай учрашув ўзи учун катта бахт эканини айтди. Раж Капур ўз нутқини ўзбек тилида тамомлаб, совет томошабинларига муҳаббат изҳор қилди, уларга бахт-саодат тилади.

Худди шу куни IV Халқаро кинофестиваль қатнашчилари «Узбекфильм» студиясида бўлишди. Улар ўзларининг ўзбекистонлик ҳамкасблари қилаётган ижодий ишлар билан ғоят қизиқиб танишишди, уларнинг янги асарларини, шу жумладан «Улуғбек юлдузи» ва «Сен етим эмассан» кинофильмларидан кўрсатилган парчаларни томоша қилишди.

(ЎзТАГ).

Советлар мамлакатида

МИНСК. Суратда шаҳарнинг Ленин проспектида янги барпо қилинган уй-жой биноларини кўриб турибсиз.

М. Минкович фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

«СПОРТ» СТАРТ ОЛМОҚДА

«Селга», «Сокол», «Топаз» номли ҳаммага машҳур жажжи радиоприёмникларнинг яна бир шериги — кичик габаритли «Спорт» транзистори бунёдга келди. «Янги меҳмон»нинг оғирлиги саккиз юз грамм. Бу приёмник А. С. Попов номли Бутуниттифоқ радиошиттириш ва акустика илмий тадқиқот институтида яратилди.

«Спорт» ўрта ва узун тўлқинларда программаларни қабул қилади. Батареялари юз соат ишлашга ярайди.

Аппарат келгуси йилдан кўплаб ишлаб чиқарила бошлайди.

(ТАСС мухбири).
Ленинград.

ОЛТИН СЎТАДАН

Днепропетровск озиқ-овқат концентратлари заводи маккажўхоридан тайёрлаган янги таомларни ким татиб кўрса, унга хушторбўлиб қолади. Корхона новаторлари маккажўхорига ер ёнғоқ, корица ва шоколад аралаштириб ундан ширин ва шўр ейимликлар тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқдилар. Шу технологияга биноан, қариб йигирма хил қуруқ нонушталик тайёрлаш мумкин. Корхона лабораториясида маккажўхоридан ҳатто пирожнийлар тайёрланиб, унга Днепропетровск номи берилди.

Ҳар куни заводга савдо ташкилотларидан телеграммалар келиб турибди. Бу телеграммаларда қўшимча маҳсулот юбориш илтимос қилинади. Днепропетровск пазандалари маҳсулот ишлаб чиқаришни қариб уч баравар кўпайтиришмоқдалар.

(ТАСС мухбири).
Днепропетровск

«РАКЕТА»ЛАР ЕР УСТИДА ЕЛМОҚДА

Сигнал берилиши билан бир зумда мотоцикл тезлигини оширади. У катта тош йўлга чиқиб, автомашиналардан осонгина ўзиб кетади. «Москвич» машиналарининг шоферлари янги машинага ҳавас билан қараб қоладилар. Мотоцикл ҳали замон ўрмон узра парвоз қиладигандай бўлиб туйилади! Ерда елдираган бу «Ракета»ни Ижевск конструкторлари инженер В. Коробейников раҳбарлигида яратдилар. Двигателининг қуввати 25 от кучига эга бўлган бу машинанинг конструкторлари ҳайдовчи учун ҳам, пассажирлар учун ҳам энг нўл қулайликлар яратишга ҳаракат қилдилар.

(ТАСС мухбири).

В. И. Ленин номли Волга-Болтиқ канали ишга туширилиши билан Череповец гавжум порт шаҳарга айланиб қолди. Шу йилнинг ўзида Череповецга 25 мингдан ортиқ турист келади ва улар янги сув системасини томоша қиладилар. Суратда: Череповец пристанидаги туристлар теплоходлари.

И. Фрейдзон фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ЁМҒИРДА КИЙИШ УЧУН

Калинин «Искож» комбинати плашчбоп газламаларнинг хилини тўлдирди. Арқоғи жун, лавсан ва вискозадан ишланган материалларнинг дастлабки туркуми тўқиб чиқарилди. Юпқа каучук плёнка бу материалларни ёмғирдан асрайди. Юпқа газламалардан тикилган плащ-пальтолар кийишга қулай бўлиб, ўзи унчалик қиммат эмас.

Корхона коллективи бошқа бир янгилик ҳам яратди. Штапель устига махсус елим қопланади, шу елим қотгач нам ўтказмайдиган пишиқ плёнка ҳосил бўлади. Бу плёнкадан тикилган қар хил рангли плащ-пальтолар камвол плащлардан арзон туради.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

ВАҚТ ҒАНИМАТ

Сирдарё областининг баъзи жойларида, жумладан, Янгиер шаҳри мактабларида янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари намунали йўлга қўйилган. Шаҳарда 7 та мактаб бор. 1, 2, 6, 7- мактаблар (директорлари Писоченко, Чемоданова, Смирнова ва Ашуров ўртоқлар) ремонти 1 июлдаёқ тугалланди. Чунки бу жойлардаги саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, транспорт, алоқа муассасалари, мактабларнинг педагогика коллективлари, ота-оналар, юқори синф ўқувчилари — ҳамма мактабларни ремонт қилишда актив иштирок этди.

Лекин областнинг кўпгина мактабларида аҳвол оғир. Фактларга мурожаат қилайлик. Капитал ремонт талаб 166 мактабдан 15 таси, жорий ремонт талаб 360 мактабдан эндигина 25 таси қўлдан чиқарилганлигининг ўзи ремонт ишлари областда ҳаддан ташқари ёмон аҳволда эканлигини яққол кўрсатиб беради.

Сирдарё район «Малик» совхози территориясида жойлашган 9, 11, 23, 37-мактабларда ремонтга энди киришилди. Лекин шундай бўлса ҳам иш суръати жуда суст кетяпти. Бу ачинарли аҳвол совхоз раҳбарларини (директори В. Антонов, партия ташкилотининг секретари Р. Қурбонов ўртоқлар) мутлақо қайғуртирмаяпти. Райондаги 41, 43, 57- мактабларда эса ҳали ремонтга киришилмаган.

89 мактабга эга бўлган Гулистон районида ҳам аҳвол бундан қолишмайди. Бу ерда 4 та саккиз йиллик, 1 та бошланғич мактаб биносигина жорий ремонтдан чиқарилган, холос.

«Гулистон» совхози (директори М. Ганиев, партия комитетининг секретари Д. Бердалиев, қишлоқ Советининг раиси К. Ражабов ўртоқлар) территориясида жойлашган 68 ва 75- ўрта мактабларда (директорлари Ортиқов ва Насриддинова ўртоқлар) шу чоққача ремонтга киришилган эмас. Ғўё район халқ маорифи томонидан совхоз ҳисобига пул ўтказилмаганлиги ремонтни бошлаш учун «тўсиқ» бўлаётганмиш. Қишлоқ Советининг раиси ўртоқ Ражабов эса бу ишнинг унга ҳеч қандай даҳли йўқдай тарапла-бедод қилиб юрибди.

«Коммунизм» колхозида (раиси ўртоқ О. Умаров) жойлашган 10- ўрта мактаб биноси ҳам ночор аҳволда. Бу мактаб биносидан янги ўқув йилида фойдаланиш мумкин эмаслиги аввалдан маълум эди. Бундан 30 йил аввал қурилган бино қулай деб турганни, уни янгилаш бениҳоя зарурлиги тўғрисида мактаб директсияси ва проектлаш институтининг филиали — «Узгипрокоммунгаз» томонидан шу йил 20 мартда акт тузилди. Смета тузиш пайтида бу ҳужжат ҳисобга олинмади, мактаб директори ўртоқ Н. Ғаффоров актни кўтариб, юқори ташкилотларга югурганича қолаверди. Янги смета мактаб биносини капитал ремонт қилишга мўлжаллаб тузилди. Ваҳоланки, ремонтга кетадиган пул эвазига янги типда чиройли мактаб биноси қуриш мумкин!

Чўлни бўстон қилиш учун партия чақириғи билан областга ҳар йили атрофдан минглаб одамлар келишяпти, Янги бўстоннинг ўз граждланлари туғилиб ўсяпти. Мавжуд мактаблар торлик қилиб қоляпти, синфлар етишмаяпти. Областда 35 минг 886 ўринли 1210 синф хонаси етишмайди. Бундан ташқари шу янги ўқув йилида биринчи синфга киришга келадиган ўқувчиларни қабул қилиб олиш учун 20 минг 887 ўринли 839 синф-хонаси талаб қилинади.

Кези келганда шу нарсани ҳам айтиб ўтиш керакки, айрим жойларда мактаб объектлари чала-чулпа битказилиб фойдаланишга топширила д и. Бундай пайтда қурилиш ташкилотларининг бошлиқлари: «Боридан фойдаланаверинглар, қолган жойларини кейин битказиб берамиз», — дейишади.

Гулистон шаҳрининг 1-микрорайонида қурилган 6- ўрта мактаб биноси ўтган йил худди шундай йўсинда фойдаланишга топширилди. 11- қ у р и л и ш-монтаж бошқармаси қурувчилари мактабни 1964 йилнинг ёзида битказишлари керак эди, лекин ўқиш бошланиш пайтида аранг иккита ўқув корпуси фойдаланишга топширилди. Орадан бир йил ўтди. 536 ўринли бу бинода 944 бола ўқиди. Мактабнинг физкультура зали, фотолабораториясидан ва шу каби хоналари жойлашган корпуси эса шу чоққача ишга тушгани йўқ.

Мактаблар ремонтининг бу қадар суст боришига сабаб шундаки, Узбекистон ССР Госпланн мактабларни қурилиш ва ремонт материаллари билан таъминлашни планлаштиришда ҳақиқий аҳволни ҳисобга олмай иш тутаётир. Планда кўрсатилган материаллар билан таъминлаш масаласи ҳам ёмон уюштирилган. Керакли материалларнинг жойларга бор-йўғи 40 процентн келиб тушади.

Ёш авлодга таълим беришни яхшилаш, уларга қулай шароитларни ўз вақтида яратиб бериш бир ташкилотнинг ёки бир неча кишининг иши эмас. Бу — маҳаллий партия, совет, комсомол ташкилотлари, область халқ маорифи бўлими ва унинг жойлардаги барча органлари, колхоз ва совхоз, қурилиш ташкилотлари раҳбарлари, мактаб педагогика коллективлари, ота-оналар, қолаверса бутун жамоатчиликнинг ишидир.

Ана шундагина ўқувчиларни етарли синф хоналари билан таъминлай оламиз, ана шундагина мактаблар ремонти ҳозиргидек ачинарли аҳволга тушиб қолмайди.

А. ИУЛДОШЕВ.

ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АЪЛО СИФАТ УЧУН

НАМАНГАН, (ЎзТАГ). Наманган трансформатор заводи ўн икки хил маркадаги трансформатор ва калориферларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Завод коллективи ана шу корхона барпо этилган кунининг уч йиллиги арафасида муҳим воқеани — чет элларга маҳсулот чиқарила бошланганлигини нишонлади. Наманган трансформаторлари мустаҳкам ва юқори сифатли бўлганлиги учун жаҳон майдонига йўл олди.

Завод маркасининг шарафи учун бошланган мусобақада ҳозир бутун коллектив қатнашмоқда. Йиғув участкасида бригадир Р. Ражабов ташаббуси билан деталларни биринчи кўрсатишдаёқ топшириш усули жорий қилинди. Трансформатор цехида янги конструкцияли рейкалар қўлланила бошланди. Бу эса сифатни яхшиламоқда, металл сарфлашни камайтирмоқда.

МЕХАНИЗАТОР КАДРЛАР

Бухоро областидаги «Когон» пахтачилик совхозида ташкил қилинган уч ҳафталик курсда машғулотлар бошланди. Бу ерда пахта териш машиналарини бошқариш техникасини билмаган ўттиз ёш механизатор таълим олмоқда. Айни маҳалда «Узсельхозтехника» район бирлашмалари ҳузурида курслар ҳам ишлай бошлади. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш билим юртларида ҳам ўқиш давом этаётир. Бу ерда ёш колхозчилардан 1.127 киши «ХВС» машиналарини ҳайдашни ўрганмоқда.

Республикада пахта йиғим-терими бошланиши олдидан «зангори кемалар»нинг 33 минг капитани штурвал олдида ўтиришади. Буларнинг 7,5 минг киши ана шу техникани биринчи марта бошқаради. (ЎзТАГ).

ИНСОН ҚАДРИ

ТАБАРРУК КИШИЛАР

— Онажон, сизга яхши қарашяптими?

— Жуда яхши, болам, иззат-икромламан!

— Холажон, сизга-чи?

— Нимасини айтасиз қоқиндиқ, ғаним олдимда. Ҳукуматимиз онадарга ғамхўр. Минг раҳмат.

Биз Самарқанд 1-хотин-қиз ногиронлар уйида мевали дарахтларга бурканган сўлим боғда юрганларнинг ана шундай суҳбатларини эшитдик. Қишлағидаги каби ёзда ҳам бу ерда яшаш учун барча қулайликлар яратилган. Боғнинг ўртасида турар-жой, ошхона, медицина пункти ва бир неча хўжалик бинолари жойлашган.

Ҳозир ногиронлар уйида 110 киши истиқомат қилмоқда. Шинам хоналарнинг ҳар бирида радиоточка ўрнатилган. Репродукторлардан ёқимли ашула ва мусиқа садолари таралмайди. Деразаларга қўйилган ранг-баранг гуллар уйнинг чиройига-чирой қўшган. Юмшоқ кроватларнинг тепасига гулдор кашталар осилган. Буларни уйнинг эгалари — чевар қўллар тикишган. Уйда-гилар вақтларини хушчақчақ ўтказаётирлар. 53 яшар Назира Комилова шундай дейди:

— Мен бу ерда 1946 йилдан бери яшайман. Кўнгилдагидек маданий дам олишимиз учун барча шароит яратилган. Алоҳида кутубхона бор. Истаган газета-журналларни топа оласиз. Баъзан дам олиш уйларига чақалоклик Рая Маркова, 104 ёшга кирган Людмила Христофоровна Гринберг ва бошқа хотин-қизлар инсон қадрини юксак эъзозлаган партия ва ҳукуматдан ғоят миннатдор эканликларини севина-севина ҳикоя қиладилар.

— Қўлимиздан баъзи енгил ишлар келади, — дейди Е. Андриянова, — умум ишига каттами-кичими ҳисса қўшгинг келади.

Ногиронлар уйи директори Анна Васильевна Шестакова бундай дейди:

— Бу ерда турувчилар ҳамма нарсага қизиқишади. Шу сабабли уйга тажрибали лекторлар тез-тез келиб туришади. Улар турли темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказишади.

Етти қишидан иборат маданий-маиший ишлар комиссияси ҳам тузилган. Буига Сильвия Альбертовна Каттань раҳбарлик қилмоқда. Комиссия аъзолари вақт-вақти билан уйнинг санитария-гигиена аҳволини, овқатланишнинг сифатларини текшириб турадилар. Рўй берган айрим камчиликлар деворий газетада ёритилади. Ойда уч марта чиқадиган «Бахтиёр қарилик» деворий газетанинг ҳар бир янги сони қизиқиш билан ўқилади.

Н. ОМОНОВА.

КОЛХОЗ ШИФОХОНАСИ

НАМАНГАН, (ЎзТАГ). Наманган районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг дам олиш уйи очилганига ўн йил бўлди. 20 гектар мевали боғда жойлашган икки қаватли катта корпусда ёруғ палаталар, ҳар турли ўйинлар учун махсус хоналар, кутубхона бор.

Колхоздаги барча меҳнаткашлар икки ҳафталик бепул путёвкалар билан ўз шифохоналарида бўлдилар. Бу шифохона махсус соғломлаштириш фонди ҳисобига ишлаб турибди.

МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Шаҳрисабз районидаги «Қизил Ўлдуз» колхози партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларига амал қилиб, колхоз коммунистларининг бутун диққат-эътиборини дала меҳнаткашлари ўртасида олиб борилаётган партиявий-сиёсий ишларнинг таъсирчан бўлишига, пахтадан мўл ҳосил етиштиришга қаратяпти.

Коммунистлар, комсомоллар 1000 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун бошланган социалистик мусобақага раҳбарлик қилишмоқда. Асосий тармоқ ҳисобланган пахтачилик соҳасида 24 коммунист ишламоқда. Шундан 6 киши пахтачилик бригадаларига бошчилик қиляпти. Колхозда коммунист Оққўзи Бўтаевни ҳамма миришкор пахтакор сифатида танийди. Чунки, Оққўзи ана коммунистчасига меҳнат қилиб, ҳар йили ҳосилга-ҳосил қўшиб донг тараткмоқда. У об-ҳаво шароити ноқулай келган 1964 йилда ҳам 85 гектар ернинг ҳар гектаридан 39.5 центнердан ҳосил кўтарган эди. Бу йил эса моҳир пахтакор ана шу майдонда 46 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун астойдил кураш олиб бормоқда. Оққўзи Бўтаев бригадасида дала ишлари намунали ташкил этилган. 85 гектар майдондаги ғўза 5 марта узунасига, 4 марта кўндаланигига сифатли культивация қилиниб, 3 марта озиқлантирилди, қондириб суғорилди.

Кенса коммунист Йўлдош Раҳмонов бошлиқ бригадада ҳам меҳнат авжида. Оташ қалб бригадада пахтакорлари 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олишган. Бригадада ҳосил тўпланиб ойлиги муваффақиятли ўтказиляпти. Барча майдондаги ғўзаларга сифатли ишлов бериляпти. Универсалчи Раҳмат Муҳиддинов айниқса талабчанлик кўрсатиб меҳнат қилаётир.

Колхозда далада ишлаётганлар учун яхши шароит яратилган. Болалар боғча, яслилари ҳамма бригадаларда бор.

Колхоз аъзолари бу йил она-Ватанга 4000 тонна пахта, 44 тонна гўшт, 199 тонна сут, 51 тонна сабзавот етказиб беришга аҳд қилганлар. Ҳеч шубҳа йўқки, ана шу социалистик мажбуриятлар сўзсиз бажарилади. Чунки бу ерда ташкилотчи, ижодкор коммунистлар бор. Улар қишлоқ меҳнаткашларини фидокорона ишлашга руҳлантирмоқдалар, меҳнатда шахсан намуна кўрсатаётирлар.

М. ЗИЁДУЛЛАЕВ.

МАИШИЙ ХИЗМАТ ЯХШИЛАНДИ

«Ҳурматли редакция! Бўлимимиз совхозининг марказий участкаси ва район марказидан узоқда жойлашган. Шунга қарамай бу ерда истиқомат қилаётган кишиларни саноат ва озиқ-овқат моллари билан таъминлаш, маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳақида ҳеч ким ғамхўрлик қилмаяпти. Битта мисол. Бўлимда ҳатто магазин йўқ. Чой, совун, туз, керосин ва бошқа энг зарур буюмларни харид қилиш учун марказий участка ёки район марказига қатнашга мажбур бўляпмиз. Бу ҳақда совхоз ва район ташкилотларига кўп арз қилдик. Лекин улар «анайди-манайди» деб бизни юпатиб келяптилар. Шу масалада амалий ёрдам беришингизни сўраймиз».

Шеробод районидаги «Коммунизм» совхози 5- бўлимининг ишчиларидан олинган хатда шундай дейилган эди. Редакция хатни район ижроия комитетига юбориб, ишчиларнинг талабини қондиришни, натижасини редакцияга билдиришни илтимос қилди. Олинган жавобда бундай дейилади:

Текширишда ишчиларнинг хатида келтирилган мисоллар тўла тасдиқланди. Уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган чоралар кўрилди. Жумладан, Зарабог ишчилар кооперацияси бўлимда янги саноат ва озиқ-овқат моллари билан савдо қилувчи магазин очиб ишга туширди. Аҳолига кино кўрсатиш яхшиланди. Яқин фурсатда маиший хизмат кўрсатиш муассасалари очиш ва ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

Мутахассис маслаҳати

КЎПРОҚ СИЛОС БОСТИРИНГ

Республикамиз колхоз ва совхозларида силос бостириш бошланди. Бу йилги об-ҳаво шароити силосни қисқа муддатда бостириш ва бу ишни амалга оширишда силос бостириш қоидаларига қатъий амал қилишни тақозо этади.

Маккажўхоридан силос бостирганда унга карбамид қўшишни унутмаслик керак. Ҳозирча карбамидни механизация воситасида маккажўхорига қўшиш учун имконият йўқ. Шунга кўра, маккажўхоридан силос бостирганда карбамид қўшишнинг бошқа йўлларидан фойдаланиш лозим. Бир тонна кўкпояга 4-5 килограммга яқин қуруқ карбамид солиниши керак. Бунда 10 литр сувга 1 килограмм карбамид солинади ва эритма тайёрланади.

Керакли миқдордаги карбамидни, даставвал илиқ сувда эритиш, у тоза эриб бўлгач, сув солинган идишга қуйиш лозим. Бунинг учун махсус челаклардан, «ДТ-28» тракторига осилган ОДН пуркагичлардан фойдаланилади.

Кўкпояни карбамид эритмаси билан бойитиш пайтида чанглагич ёрдамида эритмани маълум миқдорда ҳаво босими билан сақлаб туриш талаб этилади. Бунинг учун карбамид эритмаси солинган идишни силос иншооти ёқасида, 2-2,5 метр баландликда ўрнатиш керак. Еки уни аравачага, прицепга ўрнатиш лозим. Идиш сифатида ёғочдан қилинган каттакон бочкалар, темир бочкалардан фойдаланиш мумкин. Лекин ана шу идишларнинг остига шланглар, чанглагич кранлар ўрнатиш керак. Шланглар тешикчаларининг диаметри 8-10 миллиметр бўлиши лозим. Бу, силоснинг карбамид эритмаси билан тезроқ бойишига имкон беради.

Маккажўхори кўкпоясини карбамид эритмаси билан бойитиш учун бир киши, эритма миқдорини регулировка қилиб туриш ҳамда эритмани тайёрлаш учун яна бир киши талаб этилади, холос.

Кўпгина хўжаликларда силос бостирилади-ган иншоотларнинг узунлиги 40-50 метр келади. Бундай иншоотларга маккажўхори кўкпоясини бирданига бостириш ва силослашни 10-12 кун давом эттириш мумкин эмас. Бунда силос бостириш техникаси бузилади, силоснинг таъми йўқолади. Бунинг олдини олиш учун ана шу иншоотларни 5-6 метр келадиган секцияларга бўлиб, сўнгра силос бостириш керак. Ҳар бир секцияга силос бостиришни бир кеча-кундузда тамомлаш лозим. Сўнгра навбати билан бошқа секцияларга силос бостирилади. Ўзбекистон ССР Чорвачилик илмий текшириш институтининг «Красний водопад» экспериментал базасида ўтган йили карбамид қўшиб 400 тонна маккажўхори силоси бостирилган эди. Уни чорва моллар зўр иштаҳа билан еди.

Маккажўхоридан силос бостирганда уни карбамид билан бойитишдан асосий мақсад, силосда ҳазм бўладиган протеин миқдорини оширишдир. Маълумки, маккажўхори силосига қўшилган 1 грамм карбамид 2,6 грамм ҳазм бўладиган протеин беради.

Силос бостиришдан яна бир мақсад шундаки, озуқада етарли миқдорда сут кислотаси тўплашдир. Бу сут кислотаси озуқани бузилишдан сақлайди.

Озуқабоп кўк ўтлардан силос бостириш учун махсус қурилган иншоотлар — траншеялар ва чуқурлардан фойдаланилади. Ана шу иншоотлар сув ва ҳаво ўтказмайдиган қилиб қурилиши, анча чуқур бўлиши зарур.

Силосни яхши сақлаш учун у ер ости сувларига яқин бўлмаслиги керак. Ер ости сувлари юза жойлашган тақдирда эса силос иншоотларини ер устида қуриш зарур. Траншея—асосий силос иншооти ҳисобланади. Силосни яхши сақлаш ва унинг ифлосланишига йўл қўймаслик учун иншоот ости, деворларига пишиқ гишт терилади ёки цемент ётқизилади.

Озуқабоп ўсимликлар ўзларидаги осон эрийдиган шакар моддаларига қараб уч группага бўлинади. Булар: осон силосланадиган, тез силосланмайдиган ва мутлақо силосланмайдиган ўсимликлардир.

Осон силосланадиган ўсимликларга маккажўхори, сорго, кунгабоқар, нўхат, тарвуз, ошқовоқ, илдиз мевалар, картошка, ошкарам ва озуқабоп карам, қамиш, лавлаги барглари, сабзи ва бошқалар киради. Ана шу ўсимликлар етарли миқдордаги шакарга эга бўлиб, улардан жуда яхши силос тайёрлаш мумкин.

Тез силосланмайдиган ўсимликларга беда, шувоқ, гуллаган қамиш, лютик ва ҳоказолар киради. Бундай ўсимликларни шундайлигича силослаш ярамайди. Уларга осон силосланадиган ўсимликларни қўшиш керак. Яхши силос олиш учун юқорида айтилган ўсимликларнинг уч қисмига осон силосланадиган ўсимликлардан икки қисмини қўшиш керак.

Туятовон, вика, тарвуз, ошқовоқ, ковуш, помидор, бодринг ва бошқаларни ўз ҳолича силослаш мумкин. Уларда шакар моддаси жуда оз. Бундай ўсимликларни осон силосланадиган ўсимликлар билан аралаштириб силослаш керак бўлади. Масалан, бир боғ туятовонга 3-4 боғ маккажўхори қўшиш керак бўлади.

Думбул сўталги маккажўхоридан энг яхши силос олинади. Чунки, бундай маккажўхорида 75 процентга яқин шира ва етарли миқдорда тез эрийдиган шакар моддалари бўлади. Маккажўхори сўтасини ширага кирган пайтида алоҳида силослаш мумкин. Бундай силос колхозлар томонидан алоҳида ҳисобга олинади ва концентратлашган озуқа деб юритилади.

Маккажўхорини пояси ва сўтаси билан бирга силослаш мумкин. Маккажўхори сўтасидан бостирилган силоснинг кучи катта. Бир килограмм сўтали маккажўхори силоси кунгабоқардан бостирилган 2 килограмм силосга тенг келади. Шунга кўра, бу силос билан моллarни кузда боққан маъқул. 100 килограмм шундай маккажўхори силосида 21,5 килограмм озуқа единицаси бор. Маккажўхорини ҳар бирига 15-20 тоннадан силос сиғадиган траншеяларда ва чуқурларда сақлаш ва секцияларга бўлиб силослаш керак.

Силосни махсус преселарда, тракторларда эзғилаш лозим. Силос бостирилган траншея ва чуқурлар устига йирик-йирик қилиб қирқилган кўк ўсимликлар ташланади. Бу ўсимликлар 0,8-1,2 метр қалинликда бўлиши керак. Унинг устидан 10-15 сантиметр қалинликда лой билан сувалади ва сўнгра 40-50 сантиметр қилиб тупроқ ташланади.

Силос бостирилган чуқурларни сомон ёки ёғочларнинг қириндилари билан ёпиш тақиқланади. Чунки бу силосни чиритиб юбориши мумкин.

Маккажўхоридан ва бошқа озуқабоп экинлардан силос бостирганда юқоридагиларга риоя қилиш керак.

К. КАРИБАЕВ,
Чорвачилик илмий текшириш институтининг старший илмий ходими.

«ИШЛАМАГАН ТИШЛАМАЙДИ»

КОЛХОЗДА КЕЧА

Ишламаган тишламайди. Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексида шундай дейилган. Гурлан районидаги Ленин номли колхозда яқинда ўтказилган кеча ҳам шу темага бағишланди. Кечани Гурлан район партия комитетининг биринчи секретари Х. Раҳимов очди.

Колхоз партия ташкилотининг секретари А. Саидабдуллаев кўпчилик колхозчилар жамият бахт-саодати йўлида ҳалол меҳнат қилаётганликларини таъкидлаб, колхоз ишлаб чиқаришида фаол қатнашмаётган деҳқасалар ҳам бор эканлигини айтди, конкрет мисоллар келтирди.

— Бу ерда инженер Карим Ражабов сўзга чиқиб, ҳаммани пахта майдонига чиқишга даъват этди. Лекин у ўз хотини далага соя ҳам солмаганини айтмади. Хўш, хотинингиз нега ишламайди, ўртоқ инженер? — деди 8-бригада аъзоси Ражаб Собиров.

Механизатор Йўлдош Раҳимов, мироб Бекмат Рўзиматов, олимҳиммат қариялар ўз сўзларида баъзи ялқовларни изза қилишди. Хоразмлик шоирлардан Дўстжон Матжон, Раҳим Бекниёз такасалтанг ва текинхўрлар ҳақида ҳажвий шеърлар ўқиб беришди.

Шу факт характерлики, кечадан кейин далада ишлаётганлар сафига 100 га яқин киши келиб қўшилди, кексалар ва ўсмирлар ҳам далага отланди.

Ф. ЗОҲИДОВ.
«Совет Узбекистони» мухбири.

Сирдарё районидаги «Правда» колхозининг ўртоқ М. Иноғомова бошлиқ бригадаси аъзолари 94 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 ўрнига 30 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганлар. Тўртинчи парваришдан чиқарилаётган майдонлардаги ҳар туп ғўзада 3-4 тадан кўсак бор. Суратда: бригада даласида культивация пайти.

А. Тўраев фотоси.

Улкан хирмон ишқида

Ҳар бири 60 гектардан келадиган улкан-улкан карталарда бўлиқ ғўзалар кечки майиҳ шабадада оҳиста тебранади. Ҳар икки картада ҳам биттадан «универсал» сузиб юрибди. Бирига культиватор тиркалган, иккинчиси эса, ғўзага дори пуркаяпти. Бригада бошлиғи Каримжон Раҳматиллаевни ана шу иккинчи «универсал» ёнида учратдик.

Бригадир, соратон қуёшидан ўбдан қорайган юзидаги реза-реза терни артар экан, хаёлчан бир тарзда деди:

— Трактор оралаётган мана шу беш гектарча ердаги ғўза бизни ташвишлантираётган эди. Кўсак қурти тушаётганини пайқаб қолдик. Химизаторимиз Эргашбой ҳозир гексохлоран сепиб, уни қиритаяпти.

Бригадир билан эгат ораладик. Бўлиқ ғўзалар нах белга уради. Ҳар тупида 16-17 тагача ҳосил шохи бор. 6-7 тадан тўқ кўсаги бўлмаган бирор туп ғўза деярли йўқ десак, сира лоф бўлмайди. Усимликнинг энг устки шохларигача гул ва шона...

— Жонивор тобига келиб қолди, — дейди бригадир кўкрагига етай-етай деб турган ғўза тупларига ишора қилиб. — Шунинг учун бундан тўрт кун олдин чеканкани бошлаб юборгандик.

Нарирокда 20-30 чоғли қиз ва йигитлар эгатларга таралиб, ғоят эҳтиёткорлик билан чеканка қилишар, илгари кўздан яшириниб қолган битта-яримта ўтни ҳам тагтуги билан юлиб боришарди.

Мўл ҳосил ваъда қилиб мавжланиб турган пахтазорга боқаркамиз, мухбирларнинг одатдаги «бу йил неча центнердан хирмон кўтармоқчисиз?» деган саволини такрорлашга тўғри келди.

— Бултур 33 дан бўлган эди, бу йил 40 центнерданми кўзлаяпмиз, — деди бригадир ва бир нафаслик сукутдан кейин қўшиб қўйди: — Ҳа, 40 дан кам бўлмайди!

Оҳиста, лекин қатъият билан айтилган бу сўзлар башоратдан мутлақо холи эди. Суяги пахтазорда қотган, шу пахта туфайли менглайи ярқираган, яна шу пахта орқасидан кўксида Олтин Юлдуз порлаб, иззат-икромга сазовор бўлган бригадир бу сўзларни бир нарсага қаттиқ ишониб айтган эди. Унинг ишончи — одамлар, бригада пахтакорлари.

Келинг, узоққа бормай, бригада механизатори Расул Ризаев ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтайлик. Бригаданинг барча ерларига чигитни ана шу шоввоз касбдоши Эргашбой Жўрабоев билан экган эди. Чигитнинг ёнбоши ерга тегибдики, уларда тиним йўқ. Деҳқоннинг оғирини енгил қилиб, ғўза парвариши жараёнидаги барча оғир ишларни елкага олганлар ҳам шулар. Куни кеча бешинчи культивацияни тугаллаб, учинчи ўғитлашни бошлашди.

— Ҳа, энди эл қатори ишлаяпмиз-да, — дейди механизаторлардан бири — Расул Ризаев мақтовлардан ўялиб.

Аммо, яқиндагина бўлиб ўтган бир воқеа бу дала гвардиячиларининг шунчаки «эл қатори» эмас, балки бошқаларга ибрат кўрсатиб меҳнат қилаётганликларини исбот этади. Бригадада бешинчи культивация тугалланган эди. Уша куни кўшни 3-бригада ерлари культивация талаб бўлиб тургани, аммо мавжуд чопиқ агрегатлари тобига етган ерлардаги ғўзани вақтида культивация қилишга улгура олмаётгани маълум бўлиб қолди. Шунда бу икки азамат трактор-ларини ана шу бригада даласларига бурди. Уч кунлик қизғин меҳнат қўшниларга катта мадад бўлди.

Миришкор сувчилардан Шарофиддин Абдуғаниев ва Отақул Умаровлар ҳақида ҳам сўз кетганда, уларнинг ишлари тўғрисида фақат самимий мақтов сўзларини эшитмасиз. Саратоннинг узоқ ва жазира кунининг бирор дақиқасини ҳам бекуда ўтказмайдиган, тунларни тонгга улаб, далаларга оби-ҳаёт тараётган бу миришкорлар меҳнатининг самараси ҳар туп ғўзада «мана ман» деб турибди.

Бригаданинг Ҳадича Топиболдиева, Соттихон Абдуғаниева, Ўктам Арслонов каби қатор пешқадамлари ҳам мўл пахта ҳосили етиштириш йўлида ғоят самарали меҳнат қилаётирлар.

Бир группа пахта усталарининг республикамиздаги барча пахтакорларга қарата ёзган мурожаати Охунбобоев районидаги Фрунзе номли колхозда ҳам қизғин кутиб олинган эди. Биз ана шу илғор хўжаликнинг бригина ўртоқ К. Раҳматуллаев бошлиқ бригадаси фаолияти ҳақида тўхталиб ўтдик. Ватан омборига мўл-кўл «оқ олтин» тўкиш иштиёқида катта кўтаринкилик билан меҳнат қилаётган, ҳосил таннархини арзонлаштиришга аҳд қилган кўпгина бригадалар, моҳир пахта усталари тўғрисида қайноқ ва самимий гапларни айтиш мумкин. Улкан хирмон ишқи уларни янада самарали ишлашга, янги марраларни эгаллашга даъват этмоқда.

О. ҲАКИМОВ.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

СОВХОЗДА АТЕИСТИК КЕЧА

Республика илмий атеизм уйи ва Тошкент область «Билим» жамиятининг ташаббуси билан ўтган ҳафтада Тошкент область Оржоникидзе районининг 13- богдорчилик совхозида савол-жавоб кечаси ўтказилди. «Фан ва дин» деб аталган бу савол-жавоб кечасида медицина фанлари кандидати Зайниддин Омонов, филология фанлари кандидати Абдусодиқ Ирисов, химия фанлари кандидати Мирҳосил Абдураҳмонов, биология фанлари кандидати Замон Муродов ва атеизм уйининг илмий ходимлари қатнашдилар.

Олимлар ўз суҳбатларида диннинг реакцион моҳиятини илмий далиллар билан очиб ташладилар. Сўнгра тингловчилар илмий-атеистик темалардаги қисқа метражли фильмларни томоша қилдилар.

А. ХОЛМИРЗАЕВ.

БУХОРО ЯНГИЛИКЛАРИ

ЛАБИҲОВУЗ ФОНТАНИ

Шаҳардаги кўҳна Лабиҳовуз атрофи кечқурунлари одамлар билан гавжум бўлади. Бу ерда қариялар, ишчи ва студентлар мириқиб хордиқ чиқаришади.

Меҳнаткашлар депутатлари Бухоро шаҳар Советининг ташаббуси билан яқинда Лабиҳовуз атрофига фонтан ўрнатилди. Фонтан Лабиҳовуз сувидан фойдаланиб автомат равишда ишлайди.

КОМСОМОЛ МАЙДОНИ

Шаҳар комсомоллари эски Кўкалдош мадрасаси ўрнида янги хиёбон барпо этишди. Унга Комсомол майдони деб ном берилган.

МАРОҚЛИ СУҲБАТ

Крупская номли шаҳар маданият уйи хотин-қизлар, ҳурматли қариялар билан гавжум. Бу ерда шаҳар маданият университети адабиёт ва санъат факультетининг навбатдан ташқари машғулоти ўтказилди. Бунда Садриддин Айний номли область драма театрининг бош режиссёри А. Акобиров «Ўзбек театрида Владимир Ильич Ленин образи» деган темада қизиқарли суҳбат ўтказди. Суҳбатни университетнинг доимий тингловчиларидан ташқари юзга яқин қизиқувчи кишилар ҳам тингладилар.

ТОЖИК ФИЛЬМЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

БУХОРО шаҳар кинотеатрида «Тожикфильм» студияси ишлаб чиқарган фильмлар кинофестивали давом этмоқда. Тожикистоннинг атоқли кино артистлари билан томошабинлар учрашуви қизғин ўтаётир.

Фестивалда «Тожикфильм» студиясининг маҳсулоти: «Шоир тақдири», «Бир қизни учратдим», «Зумрад», «1002-кеча», «Кобра операцияси» сингари кинофильмлар намойиш қилинмоқда.

Т. НАЗИРОВ,
(«Совет Ўзбекистони» мухбири).

ФОРОБИЙ ТЎҒРИСИДА ТАДҚИҚОТ

Фанларни биринчи марта туркумларга ажратиш иши тўққизинчи—ўнинчи асрларда Ўрта Осиёда бажарилганлигини биласизми? Бу ишни 873—959 йилларда яшаган олим Абунаср Форобий бажарган эди. Тошкентлик олим М. М. Хайруллаев Форобий фаолиятининг мана шу жойини жиҳати тўғрисида гапириб берди.

Форобий турли хил билимлар тўғрисидаги фикрларини ўзининг кўп асарларида баён қилади. Бироқ, бу соҳа Форобийнинг мана шу проблемага махсус бағишланган «Иҳсоал улум» деган асарида айниқса тўлиқ ёритилган. Қадимий мутафаккир инсоний билимларнинг оригинал классификациясини ишлаб чиқиш билангина чекланиб қолмай, ўрта аср фанининг ҳамма тармоқларини таърифлаб ва чуқур анализ қилиб ҳам берган.

Ўша вақтда қандай фанлар бор эди? Форобий бунга: тилшунослик, маънтиқ, математика, табиият фанлари, метафизика, шаҳарни идора қилиш фани, ҳуқуқ ва илоҳиёт фанларн бор эди, деб жавоб беради. Форобий математиканн етти қисмга бўлади. Бинобарин, математика рақамлар тўғрисидаги фанни, геометрияни, қузатиш тўғрисидаги фанни (оптиканн), юлдузлар тўғрисидаги фанни, музика фанини, оғирликлар тўғрисидаги фанни (статиканн) ва механиканн ўз ичига олади.

Бу классификация нақадар тўлиқ ва мукаммал бўлганлигини шу факт кўрсатиб турибдики, қадим замондаги энг йирик олимлар — Сиинноза. Бэкон ва бошқалар шу классификациядан ўз асарларида фойдаланганлар.

Абунаср Форобийнинг бу қимматли асари инглиз, француз, рус, турк тилларига тўла ёки қисман таржима қилинган.

(ЎзТАГ).

ШИНГИЛ ХАБАРЛАР

СУРХОНДАРЁ. Термиз районидаги «Искра», «Пограничник» ва «Рассвет» колхозларида 120 га яқин турар жой бинолари ва ёзги кино-театр қурилиши тугалланди.

М. СУЛТОНОВ.

ҚУҚОН. Шаҳардаги «Правда» номли хотин-қизлар билим юртини 100 дан ортиқ киши тамомлади.

М. ВАЛИХОНОВ.

ҚАШҚАДАРЁ. Ғузор районидаги Карл Маркс номли колхозда куни кеча 40 колхозчи янги уйларга кўчиб кирди.

М. СУЛТОНОВ.

ОТЕЛЛО

АБРОР ҲИДОЯТОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНАДИ

Чигатой кўчасин сўл томонида —
Утсангиз муқаддас хилхона тараф.
Саноқсиз қабрлар галадонида
Етибди Отелло — у буюк араб.
Мен баъзан шу йўлдан уйга
қайтаман
Сайр этиб ҳовлиқма сойнинг
қошини.
Отелло шаънига салом айтаман,
Зиёрат қиламан мозор бошини.
Арабий кулонкир — гарбнинг
хўжаси,
Майлига, гапимга қилма эътироз.
Менман бу, ўзбекнинг даҳрий
жўжаси,
Уйқошга ўхшайди исмимиз бир оз.
Қандайдир оллодан сени волиданг
Тиланиб олибди, мен-чи садақа.
Савдомиз бир экан, номлар
ҳамоҳанг.
Ва лекин ўхшамас қалблар,
шунақа...
Мен орзу қилардим сендай
севишни —
Қўлимда ханжару қонимда олов.
Уддалай билмадим лекин бу ишни,
«Телбадай севарди» деймас биров.
Истардим сендаги рашкни ҳам,
илло
Ҳали дуч келмади рашк-ситам жари.
Ҳам бунинг устига, билсанг,
Отелло,
Қизларнинг илгида севги ҳанжари.
Сендаги нафратни хоҳлардим асти,
Разилдар кўзига боқолсам хунхор.
Чунки ҳалигача Отелло, рости
Ягони ўқитиб қўйгувчилар бор.
Керакмас ортиқча нафрат ҳам,
аммо
Лаҳзаб ҳам тақмасман нимса отига.
Чунки бу асрда, азиз Отелло,
Ҳурмат кўп буюкдир инсон зотига...
Баъзан кўз ўнгимга тизилиб келар
Севгига гадолар айғаш ва уйқаш.
Гадо деб атама, сен бизни деярлар,
Дейдилар, дунёда Отелло яккаш.
Шунда сен неласан кўзингни
ёшлаб:
— Қайда ишқ, қайда рашк,
қайдадир улар?!
Шу шўрлик заминни кетмангиз
ташлаб,
Муқаддас туйғулар, олий туйғулар!..
Бизнинг руҳимизга ҳокимдир
баъзан
Қаноат аталмиш ожиз бир сезги.
Отелло, Отелло, сенинг ишқингдан
Ҳайратга тушишнинг ўзи бир
севги...
Йўқ, тақлид қилмасман сенга
росмана,
Қўрқаман, оқибат узарсан торни.
Ролингни ўйнаса, рашк қилиб,
мана
Қабрга тиқибсан буюк актёрни.

Абдулла ОРИПОВ.

БОЛА ҚУТҚАЗИЛДИ

ҲОДИСА

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашига қарашли 7-автобаза шофери Абдурасул Суҳбатиллаев Қумлоқдаги чойхонада мириқиб дам олиб ўтирганда сувда қалқиб-қалқиб келаётган нарсага кўзи тушди.

— Нима экан бу, бола бўлмасин тағин? Абдурасулнинг шубҳаси тўғри чиқди. Ғарқ бўлаётган болага қараб ўзини сувга ташлади. Бола шаршарага энди тушиб кетаётганда, мард йигит болани қўлига даст кўтарди ва қуруқликка чиқарди.

Шундай қилиб, Октябрь район, Қорасарой қўчаси, Қумлоқ проезд 9-уйда турувчи 5 ёшли Абдураҳим Ғаниев ҳалокатдан қутқарилди.

Боланинг ота-онаси Абдурасул Суҳбатиллаевга миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Ю. ЗИЁДОВ,
Ш. МИРВОҲИДОВ.

ЖЎХОРИ ПОПУГИ

ДОРИШУНОС ТАВСИЯ ЭТАДИ

ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР

Жўхорининг ватани Мексика ва Гватемала ҳисобланиб, бу ўсимлик ҳозир бутун ер юзида, жумладан Совет Иттифоқида ҳам ўстирилиб келмоқда.

Жўхори попугининг ҳиммати катта, унинг таркибида тўққиз хил модда бор, «С» ҳамда «К» витаминлари ва криптоксантин, пантотен кислоталарига бой. Медицинада ундан ўт халтача ялигланганда, жигарнинг гепатит касаллигида ўт суюқлиги чиқишининг камайиб кетишида фойдаланилади. Шунингдек, қондаги протромбин ва тромбоцид моддаларини кўпайтириб, қон оқишини тўхтатади. Буйрак ҳамда сийдик қопчигига тош келганда сийдик ҳайдаш функцияси ролини бажаради.

Юқорида кўрсатилган касалликларни даволашда жухори попугини чойга ўхшаш дамлаб ичиб юриш тавсия этилади.

ЯЛПИЗ

Ялпиз Украина, Белоруссия ҳамда Ўрта Осиё республикаларида ёввойи ҳолда ариқ бўйлари ва соя-салқин ерларда ўсади. Унинг барги ва поясида эфир мойи бўлиб, ментол, ментон, лимонен моддаларига бой бўлади. Ментолнинг таркибида сирка ва валериан кислоталари билан бирикқан ҳолда эфирларни ташкил қилади.

Бундан ташқари ялпизнинг баргида «А» витаминига ўхшаш каротин, урсол ва олеанол кислоталари ҳам бўлади. Медицинада ундан невралгия, тиш ва бошнинг мигрен касалликларини даволашда қўлланилади.

Ялпизни ҳар хил суюқ овқат билан қўшиб истеъмол қилинса юракнинг коронар қон томирларини кенгайтириб, юрак мускулини қон билан нормал таъминлайди. Ошқозон ва ичак йўлларини дизенфекция қилади, овқатни ҳазм қилишни яхшилайди. Тишни мустаҳкамлайди.

Қиш фаслида ялпизнинг соғда қуритилганини овқатга қўшиб истеъмол қилиш тавсия қилинади.

Ҳ. ИБОДОВ,
доришунос.

ҚАЛАМКАШ ДЎСТИМИЗ

Инсон ўз ҳаётида яхши ном қолдириш учун курашади. Шу мақсадда биров ариқ қазиб сув чиқаради. Бошқа биров кўчат ўтказиб боғ бунёд этади. Билак кучи, ақл-заковати билан азим чўлни ўзлаштириб «оқ олтин» конига айлантираётган азамат чўлқуварлар сон-саноқсиз. Ҳамма ўз касб-корини улуғлашга интилади. Ўт келса ўтиб, сув келса кечади, қалбга меҳнати билан мурод-мақсадига етади. Сандвали ака ҳам ана шундай яхши ниятли кишилардан. У бутун умрини инсон қалбига ақл чироғи ёқишга бахш этган моҳир педагог, истеъдодли журналистдир. Республикамизда нашр этилаётган қишлоқ хўжалик адабиётларининг кўпчилиги бу талантли қаламкашнинг номи билан боғлиқдир.

Сандвали ака 1932 йилда Тошкентдаги собиқ мева-сабзавотчилик институтини битиргач, республикамизда қишлоқ хўжалиги фани ва илғор тажрибаларни кенг ёйиш соҳасида хизмат қила бошлади...

Шундай. Сандвали ака институтни тамомлагач, идмий текшириш муассасаларида самарали ишлар олиб борди. У 1937 йилда Ўзбекистон ССР давлат нашриётига редакторлик лавозимига таклиф қилинди. Унинг журналистлик фаолияти ҳам айнан шу даврдан бошланди. Сандвали ака «Совет Ўзбекистони» газета редакциясида кўп йиллар хизмат қилди. Сўнгра яна нашриётга қайтиб, 17 йил давомида қишлоқ хўжалиги бўлимида мудир бўлиб ишлади. Ҳозир ҳам шу даргоҳда редактор бўлиб хизмат қилмоқда.

Тажрибали журналист қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, деҳқончилик маданиятини юксалтиришга доир кўпгина китоблар ва брошюралар ёзди. «Полиз экинларидан мўл ҳосил олиш тажрибалари», «Қарам агротехникаси», «Помидор ҳосилдорлигини ошириш йўллари», «Илдиз мевали сабзавотлар ва уларнинг халқ фаровонлигини оширишдаги роли», «Бедачилик агротехникаси» ва бошқа ўнлаб китоб ва брошюралар шулар жумласидандир.

Сандвали ака малакали таржимон сифатида ҳам республикамизга танилгандир. У пахтачилик, ғаллачилик, чорвачиликка доир 200 дан ортиқ китоб, брошюра, дарсликни рус тили ва бошқа тиллардан ўзбек тилига таржима қилди. Ҳозирги вақтда олий ўқув юртларида дарслик сифатида қўлланилаётган «Деҳқончилик асослари», «Пахтачилик агротехникаси», «Ғўза биологияси» ва бошқа китоблар Сандвали ака таржимасида китобхонларга туҳфа этилди.

Партия ва ҳукуматимиз ғайратли журналистнинг хизматларига юксак баҳо берди. У «Меҳнатда ўрнан кўрсатгани учун» медали, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

Бугун республикамиз матбуоти ва нашриёти ходимлари кекса педагог ва журналист Сандвали ака Шарофиддинов туғилган кунининг 60 йиллиги ва меҳнат фаолиятининг 40 йиллигини кенг нишонлайдилар. Истеъдодли журналист, қадрдон дўст Сандвали ака Шарофиддиновга узоқ умр, янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

М. НАЗАРОВ.

«Совет Ўзбекистони»да босилгандан кейин

„ТАШЛАНДИҚ УСКУНАЛАР“

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 23 июнь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада «Ўзсельхозтехника» Самарқанд область бирлашмасига қарашли айрим район базалари ва омборларида техника ва запас қисмларни сақлашга етарли эътибор берилмаётгани, натижада улар занглаб тез ишдан чиқаётганн танқид қилинган эди. Шу муносабат билан область бирлашмасидан қуйидаги жавоб олинди:

Танқидга сазовор мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Область бирлашмаси базалар, омборларда техника ва запас қисмларнинг сақланишини назоратдан ўтказиш, йўл қўйилган камчиликни тезда бартараф этишга қўмаклашиш учун районларга бир группа мутахассисларни юборди. Мақолада тилга олинган Ғаллаорол район бирлашмасининг омбор мудири Гилько техника ва запас қисмларни сақлашга эътиборсизлик билан қарагани учун ишдан олиб ташланди, материаллар уни жиноий жавобгарликка тортиш учун тергов органларига юборилди. Шу район савдо базасининг директори Исомутдинов ва старший товаровед Карягинга қаттиқ маъмурий чора кўрилди.

АСКИЯЧИЛАР САФАРГА ЧИҚДИ

Аския — ўзбек халқ оғзаки ижодининг оммавий жанридир. Кейинги вақтларда бу жанр илмий жиҳатдан чуқурроқ ўрганилмоқда. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети жамоасига қошланган аския пайрофлари «Ўзбек халқ ижоди ёзмаларини тўплашга киришдилар. Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси «Аския» фильмини яратди.

Бу йил эса Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети аския материалларини тўплаш ва ўрганиш юзасидан бирлашган илмий экспедиция ташкил этди. Экспедиция составида филология фанлари доктори Иззат Султон, ёзувчи Собир Абдулла, очерклар Йўлдош Шамшаров, филология фанлари кандидатлари Р. Муҳаммадиев, М. Афзалов, Я. Жўраев, аскиячилардан Абдулҳай Қозоқов, Турсун Аминов, Ғойиб Тошматов, Абил Тошматов, Насриддин Ҳикматуллаев, Мамарозиқ Исҳоқов, Расулқори Мамадалиев, Мелибой Ғафуров ва бошқалар бор.

Илмий экспедиция Андижон, Наманган, Марғилон, Қўқон, Поп, Янгиер, Каттақўрғон, Урганч шаҳарларида бўлиб, меҳнаткашлар, зиёлилар билан учрашиб, илмий аҳамиятга эга бўлган ўзбек халқ оғзаки ижоди — сатира-юмор темаси юзасидан иш олиб боради. Ўтказилган суҳбатлар фильмга олинади ва Тошкент граммофонга ёзиш студияси лентага ёзиб олади.

Экспедицияга В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика кафедрасининг старший ўқитувчиси филология фанлари кандидати Расул Муҳаммадиев раҳбарлик қилади.

Ҳ. ЮНУСОВ.



ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

Москва. Пойтахтнинг жанубий-ғарбий райони. Яқиндагина бу ерлар бўм-бўш эди, эндиликда эса кўп қаватли уйлар, магазинлар, мактаблар, болалар богчалари қад кўтарди. Суратда: Бернадский проспекти. Ундга «Радиоэлектроника» янги биноси қурилиши.

В. Кунов фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ЖИНОЯТ УСТИДА...

Советларга қарши қўпорувчилик ишлари қилишда айбланган Буюк Британия фуқароси Жеральд Брукнинг жиноий иши юзасидан 22 июлда Москвада очиқ суд процесси бошланди. Брукнинг ишини Москва шаҳар судининг жиноий ишлар коллегияси кўриб чиқмоқда.

Суд мажлиси залида Москва меҳнаткашларининг вакиллари, совет ва чет эл мухбирлари ўтиришибди.

Брук 1965 йил 25 апрелда давлат хавфсизлиги органлари томонидан Москвада жиноят устида ушлаб олинди ва Советларга қарши қўпорувчилик ишлари олиб борганн учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Айбланувчи Брук Лондондаги Холборн коллежининг рус тили ўқитувчиси бўлиб, ўзини «Халқ-лейбористлар партияси» (ХМИ) деб юритувчи чет эллдаги антисовет группа билан алоқа боғлаб келган. Эмигрант мурталарнинг қўйқаларн ва ватан хоинларидан иборат бўлган ХМИ бир вақтлар гитлерчи разведка ва контрразведка органлари ҳамда оккупациячи маъмурлар билан фаол ҳамкорлик қилган эди. Бу группанинг аъзолари совет гражданларини қирғинга қатнашган.

Гитлерчилар Германияси таслим бўлгандан кейин ХМИ бошлиқлари Буюк Британия, АҚШ ва бошқа империалистик давлатлардаги реакцион доираларнинг хизматига ўтиб олдилар. ХМИ бошлиқлари СССР нинг капиталистик мамлакатлар билан маданий ва иқтисодий алоқалари кенгайиб бораётганлигидан, совет халқининг меҳнондўстлигидан фойдаланиб, ўз фаолиятларини кучайтиришга уринмоқдалар. Улар туристлар, савдогарлар, турли делегацияларнинг аъзолари ниқоби остида Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга ўз шерикларини юборишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ўша эмигрантлар группасининг пулига турист тариқасида СССРга келган 27 ёшли, лейбористлар партиясининг аъзоси, рус тили ва адабиёти бакалаври Жеральд Брук ХМИнинг ана шундай одамларидан бири бўлган [кези келганда шуни айтиш керакки, у 1959—60 йилларда Москва Давлат университетида ўз билимларини такомиллига етказиб олган].

Брук шу йил 18 апрелдан 25 апрелгача Москвада бўлиб, совет граждани Константиновнинг ҳузурига борган ва унга жосуслик материалларини топширган. Брук бошқа совет гражданларига ҳам СССРга нисбатан душманлик руҳидаги материалларни топширишга уриниб, шундай материалларни почта орқали юборган.

Бироқ Брукнинг режалари барбод бўлди. Ўз юртининг ватанпарвари Константиновнинг ёрдами билан Брук фош этилди.

Айбнома ўқиб эшиттирилгандан кейин судланувчи Брук ўзига қўйилган айбни бутунлай ва тўла-тўкис гарданига олди. [ТАСС].

РУМИНИЯ КОММУНИСТЛАРИНИНГ СЪЕЗДИДА

БУХАРЕСТ, 22 июль. (ТАСС). Руминия Компартиясининг IX съездидаги музокараларда 40 дан кўпроқ делегат сўзга чиқди. Уларнинг ҳаммаси Руминия Компартиясининг сиёсатини тўла равишда қувватлаётганликларини айтдилар. Руминия Компартияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолигига кандидат, Буюк Миллат Мажлиси бюросининг раиси Ш. Войтек эрталабки мажлисда сўзга чиқиб, асосан республика янги конституциясининг ва партия янги уставининг лойиҳалари тўғрисида гапирди.

Машинасозлик саноати министри М. Маринеску съездга маълум қилдики, мамлакатда машинасозлар олти йиллик топшириқни муддатидан бир йил олдин бажардилар. Бутун 1938 йилда ишлаб чиқарилган машиналар ва ускуналарга тенг келадиган машина ва ускуналар ҳозир Руминияда икки ҳафта ичида ишлаб чиқарилмоқда. Навбатдаги беш йилликда машинасозлик саноатининг ишлаб чиқариш ҳажми йилига 12 процент кўпайтириб борилади.

Руминия Халқ Республикаси хотин-қизлар миллий кенгашининг раиси Сузана Гидя социалистик Руминия хотин-қизларининг турмуши ва фаолиятининг ҳамма соҳаларида уларнинг роли ошиб бораётганлиги ҳақида, мамлакат тараққиётининг янги босқичида хотин-қизлар олдида турган вазифалар ҳақида гапирди.

Академик Х. Холубей атом физикасининг муваффақиятларидан ишлаб чиқаришда фойдаланиш соҳасида қўлга киритилган ютуқни айтиб берди.

Қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг вакиллари съездда табрик нутқлари сўзламоқдалар.

Руминия коммунистларининг съезди ўз ишини давом эттирмоқда.

МОНКАДАДАГИ ЖАСОРАТ

Ҳар бир мамлакатнинг тарихида шундай кунлар ва соатлар борки, улар ана шу мамлакат халқининг хотирасида абадий қолади. Йиллар ва асрлар ўтар, лекин ўз мамлакатларидаги барча кўпдан-кўп ҳукуматлар ташкил топган ва қулаган саналарни Сорбоннанинг ҳатто ишни энг пухта қиладиган тарихчилари ҳам эсда тўла сақлаб қола олмаслар. Аммо, оддий парижликларнинг оломонлари Бастилияни забт этган ўша июль кунидаги саҳар пайтини ҳар бир француз ҳамма вақт ёдида тутади. Асримиз бошларида бизнинг мамлакатимизда содир бўлган ва Россия обивателини «ларзага солган» кўп воқеаларни, эҳтимол, ўтмишга ниҳоятда иштиёқ боғлаган баъзи ҳавасмандларгина билардилар, лекин Нева дарёсида турган крейсер тўпларининг садоси одамзод тарихида порлоқ давр бошланганидан дарак берган ўша сербўлут куз кунининг ҳамма тафсилотларини неча-неча асрлардан кейин ҳам ҳар бир мактаб боласи ҳикоя қилиб бера олади.

Худди шунга ўхшаш 1953 йил 26 июль кунининг тропик иқлимига хос жазирама билан бошланган тонг отар пайтининг ҳамма тафсилотларини ҳар бир кубалик ўз хотирасида бугун ҳам, неча-неча йиллардан кейин ҳам сақлайверади. Ўша куни традицион карнавал тамом бўлгандан кейин одатдан ташқари сукунат чўккан Сантьяго кўчаларидан ёш ватанпарварларнинг кичкинагина отряди тушган бир неча автомашина ғизиллаганича ўтиб қолди. Бу ватанпарварлар мустабиднинг қўрғонларидан бирини штурм билан забт этишга ва шу орқали бутун миллатга қўзғолонга ундовчи сигнал беришга бел боғлаган эдилар.

Монкада казармаларига қилинган ҳужум Куба халқи Батиста диктатурасига қарши олиб борган қуролли курашни бошлаб берди. Казармани штурм қилган ватанпарварлар раҳбари Фидель Кастро судда сўзлаган ва «Тарих мени оқлайди» деган пайғамбарона сўзлар билан тамом бўлган тарихий нутқида ана шу курашнинг мақсадларини баён этиб, бу — мамлакатнинг ярим мустамлака шаклидаги қарамлигини тугатиш, латифундияларни йўқотиш ва ерларни уни ишлаётган кишилар қўлига олиб бериш, индустрлаштириш, уй ижара ҳақини камайтириш ва янги турар-жойлар қуриш, ишсизликни тугатиш, мафиш хизматларини ва аҳолига медицина хизмати кўрсатишни тубдан ислоҳ қилишдир, деди. Ўша пайтда, яъни ўн икки йил муқаддам шуларнинг ҳаммасига эришиб бўлмади. Бу мақсадларни амалда рўёбга чиқаришга киришиш имкониятини яратмоқ учун неча йиллар машаққатли ва оғир кураш олиб боришга тўғри келди. Шу кураш давомида партизан отрядлари тоғларда жанг қилдилар, подпольечилар шаҳар ва қишлоқларда иш олиб бордилар, биринчи эркин территориялар вужудга келтирилди, ва, ниҳоят, қўзғолончилар армиясининг колонналари орол-нинг шарқидан ғарбига қараб шиддатли ҳужум бошлади ҳамда мехнаткашларнинг ялпи забастовкаси ўтказилди.

Революция ғалабаси Кубанинг довруғини бутун дунёга ёйди. Илгари фақат география ишқибозлари билан олис сафарларда юрувчи кема капитанларигагина маълум бўлган ана шу киччина оролда ўтаётган воқеаларни энди ҳамма қитъаларда яхши биладилар. Қисқа тарихий муддат ичида мамлакатда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида туб ўзгаришлар ясалди. Чет эл монополияларининг ва уларнинг Кубадаги иттифоқчиси маҳаллий буржуа-латифундиячилар олигархиясининг иқтисодий ҳукмронлиги буткул тугатилди. Саноат корхоналари, банклар, йирик савдо, транспорт воситалари, латифундияларнинг ерлари национализация қилинди. Мамлакат экономикасига ўзларн раҳбарлик қила олишларини меҳнаткашлар Америка қитъаси тарихида биринчи марта амалда исботладилар. Асосий ишлаб чиқариш воситаларининг меҳнаткашлар давлати қўлига ўтганлиги ва қишлоқда икки марта ер ислоҳоти ўтказилганлиги Куба экономикасини яшнатиш учун шарт-шароитлар яратиб берди. Куба ғарбий ярим шарда биринчи бўлиб социализм қуришга муваффақиятли суратда киришди.

Ҳалқ революцияси ғалабасидан кейин атиги бир неча йил ўтгач, Куба Латин Америкасидаги барча мамлакатлар учун типик бўлган кўпгина оғир ижтимоий проблемаларни муваффақиятли ҳал қилишнинг ёркин намунаси бўлиб қолди. Ер ислоҳотлари ерни уни ишлайдиганлар қўлига олиб берди, оролда ҳақиқатда ишсизлик йўқолди, мисли кўрилмаган қисқа вақт ичида саводсизлик тугатилди, бутун халқни маърифатли қилиш иши жуда кенг миқёсларда авж олиб кетди. Халқ соғлиғини сақлашни ривожлантириш йўлида жуда кўп ишлар қилинди. Фан, маданият ва санъатни мисли кўрилмаган даражада яшнатиш учун шарт-шароитлар яратилди.

Мана шу муваффақиятларнинг ҳаммаси Кубанинг қудратли империалистик қўшниси — Америка Қўшма Штатлари томонидан иқтисодий қамал ҳамда доимий агрессив ҳаракатлар ва иввогарликлар уюштирилаётган ҳаддан ташқари қийин шароитда қўлга киритилди. Бу муваффақиятлар Куба халқининг ўз қаҳрамонлиги ва мардлиги туфайли, шунингдек Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг интернационал бирдамлиги ва қардошларча ёрдами туфайли қўлга киритилди. Фидель Кастро шу йилги нутқларидан бирида таъкидлаб айтганидек, СССР ва бошқа социалистик давлатларнинг ҳал қилувчи ёрдами бўлмаганида, империалистлар қамал қилиб турган кичик бир мамлакатда бундай ғалабаларга ҳеч қачон эришиб бўлмас эди.

Социалистик қурилишнинг асосий фронтида — экономика соҳасида Кубанинг эришаётган муваффақиятлари бу йил тобора сезиларли бўлиб бормоқда. Куба Социалистик революция бирлашган партияси бошчилигидаги бутун халқнинг жуда катта куч-ғайратлари орол экономикасининг асосий тармоғида — қанд шакар ишлаб чиқаришда зўр ғалабага олиб келди. Мамлакатнинг бутун тарихида тўртинчи марта ўтган мавсумда олти миллион метрик тоннадан ортиқ қанд-шакар ишлаб чиқарилди. Шу сабабдан Монкадага штурм қилинган кунининг ғалдаги ўн иккинчи йиллигини Куба бениҳоя шодиёна, қувонч вазиятида кутиб олмоқда. Бинобарин, сўнгги йилларда вужудга келган традицияларни ўзгартириб, бу йилги тантаналарнинг маркази мамлакат пойтахти Гавана ва Монкада жойлашган Сантьяго шаҳри бўлмай, балки Лас-Вильяс вилоятининг бош шаҳри Санта-Клара бўлиши бежиз эмас. Чунки Санта-Клара Кубада ғалаба символи сифатида садо беради. 1958 йил декабрь ойида қўзғолончилар армиясининг майор Эрнесто Че Гевара қўмондонлигидаги колонналаридан бири ана шу шаҳарни ишғол қилган маҳалда бу, батиста диктатурасининг узил-кесил ҳалокатга учраши арафасида урилган сўнгги бонг бўлиб эшитилган эди. Кейинчалик худди мана шу ерда, Кубанинг марказий вилоятида, Плайя-Хиронга тушириган сотқин интервенциячилар батамом янчиб ташланган, шундан кейин эса, АҚШ Марказий разведка бошқармаси тузган контрреволюцион шайқалар муваффақиятли суратда тор-мор келтирилган эди. Ҳозир эса Санта-Клара аввало, индустриал марказдир. СССР ёрдами билан қурилган механика заводи ва чехословак мутахассисларининг кўмаги билан барпо этилган рўзғор асбоблари заводи шу шаҳарда жойлашган. Бинобарин, 26 июлда Кубанинг жуда кўп меҳмонлари шу шаҳардаги тантаналарга келар эканлар, улар бунда Куба иқтисодий келажагининг символини, унинг улуғ социалистик ҳамдўстлик халқлари билан қардошларча дўстлиги символини кўра оладилар.

Р. КНЯЗЕВ,
ТАСС МУХБИРИ.
Гавана — Москва.

БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИНИНГ АХБОРОТИ

ҚОҲИРА, 22 июль. (ТАСС). «Алахбор» газетасининг бош редакторларидан бири Мустафо Амин қамоққа олинганлиги ҳақида бугун бу ерда Бирлашган Араб Республикаси бош прокурорининг ахбороти эълон қилинди.

Ахборотда бундай дейилади: Мустафо Амин «жуда муҳим иш юзасидан» қамоққа олинди.

Жанубий Вьетнам. Сайгондаги студентлар ва ўқувчилар ватанпарварларга қарши олиб борилаётган уруш ва репрессияларни тўхтатиш учун, Америка империалистларининг Жанубий Вьетнам ишларига аралашувига қарши норозилик намойиши ўтказдилар. Полициячилар ва аскарлар намойишни тарқатиб юборди. Суратда: намойиш пайтида.

ВИА—ТАСС фотоси.

ЯНГИ ҚАБИҲ РЕЖАЛАР

ВАШИНГТОН, 22 июль. (ТАСС). Кеча президент Жонсон АҚШнинг Жанубий Вьетнамга қилган сафаридан қайтиб келган мудофаа министри Макнамарани Оқ уйда қабул қилди. Макнамара сафарининг якунларини муҳокама қилишга бағишланган бу учрашувда давлат секретари Раск, марказий разведка бошқармасининг директори Рейборн, президентнинг миллий хавфсизлик ишлари билан шуғулланувчи махсус ёрдамчиси Банди, АҚШ информация агентлигининг собиқ директори Роуэн ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди.

Оқ уйнинг матбуот масалалари билан шуғулланувчи вакили Мойерс матбуот конференциясида гапириб, Жонсоннинг Макнамара билан учрашувидан мақсад бирор конкрет қарор қабул қилиш эмас, балки Жанубий Вьетнамдаги аҳволни муҳокама қилишдан иборат бўлди, деди. «Улар,— деди Мойерс.— Макнамаранинг дастлабки докладини муҳокама қилишди».

Мойерснинг айтишига қараганда, бирор қарор қабул қилингунча ёки Жанубий Вьетнамдаги аҳволни муҳокама қилишнинг натижалари тўғрисида бирор гап эълон қилингунча бир неча кун ўтса керак.

КУРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПАРИЖ, 22 июль. (ТАСС). Франс пресс агентлигининг мухбири Қоҳирадан хабар беради: Жанубий Арабистондаги инглиз мустамлакачи қўшинларининг 16 солдати Ратфон атрофида Жанубий Арабистон партизанлари қўйган пистирмага дуч келиб ўлди ёки ярадор бўлди.

«Арабистон ярим ороли жанубий миллий озодлик фронти» Қоҳира бўлимининг ҳарбий маълумотида бундай дейилади: бунга жавобан инглиз ҳарбий самолётлари Хавошиб атрофидаги тинч аҳолининг устига ўч олиш учун бир неча марта ҳужум қилиб борди. Ана шу ҳужумлар натижасида бир неча деҳқон ҳалок бўлган.

Редактор ўринбосари
Ҳ. НУРУЛЛАЕВ.

КИЧИК ҲИКОЯЛАР

КОЛЯСКА

Болалигимда қўшнимиз Аъзам аканинг ялтироқ коляскасига ҳавасим келарди. У кечки пайт иши тугагач, ўғилчасини шу коляскага солиб, яслидан олиб қайтарди. Келишини мўлжалдаб ярим чақиримнаридаги чорраҳага бориб турардим. У мени кўриб: «Ҳа, нима қилиб турибсан?» деганда бошини қимирлатарди-да: «Ма, эҳтиёт бўлиб ҳайда», деб оппоқ никелли тутқичини қўлимга берганида, худди «лўккавой» ҳайдаётгандай суюниб кетардим. Лекин сал юрмасимдан орқадан Аъзам аканинг аччиғланган товушини эшитиб, тўхтаб қолардим:

— Менга бер-э, бемаза! Бунакада ичини узасан-ку, Комилжоннинг!

Юзи қип-қизил, жимитгина чақалоқчани Комилжон деганига кулгим қистарди, нимаси Комилжон бунинг?!

Аъзам ака коляскани олиб, шу қадар эҳтиёткорлик билан юргизардики, салгина силкиниб кетса ҳам худди ўзининг бир ери узилиб кетгандай лабини тишлаб, бошини сарак-сарак қимирлатганча ўғилчаси устига энгашиб, юзига термуларди, бурни атрофидаги терларини дастрўмолчага артиб, ёстиғини тўғриларди... Безовта бўлмасин, юмшоққина кетсин, деб кунора коляска ғилдирагини мойларди.

... Умр оқар сув экан, ҳадемай ўттиз йил ҳам ўтди-кетди. Комилжон уйланиб, иккита бола кўрди. Отасининг давлатида ўқиди, инженер бўлди.

Тунов куни эшитсам Аъзам ота келини ва ўғли Комилжон билан аразлашиб, жиянининкига кетиб қолибди. (Кексалик ҳам бор бўлсин, тонгда турган чойнакни бехосдан тушириб юборган экан, сиқибди. Жаҳлдан шундан чиқибди...).

Шу гапдан кейин кўнглим гаш тортиб, кўчага чиқиб кетдим. Кўз олдимдан лип этиб бир вақтлардаги ўша ялтироқ коляска ўтди. Аъзам ака уни шу қадар эҳтиёткорлик билан юргизардики...

О Н А

Онадан тўрт ўғилмиз.

Бир кун маслаҳатлашиб, ўртада пул йиғдик-да, амал-тақал қилиб Чортоққа путёвка топдик. Кенжа укамиз Шарифжон эркарок ўсгани учун «дашном» бераверіб, сал қолди — ҳаммамизни «тошмеҳр»га чиқариб қўяёзди:

— Биркам олтмишга кирибдилару ойим, ҳалиям сенларга қўли косов, сочи супурги! — деди у астойдил қизишиб. — Хайрият, инсофларинг бор экан қиттайгина!

... Ҳуллас, онамизни курортга жўнатдик. Ҳар куни дастурхон устида йиғилиб: «Қандай дам олаётганикинлар?» деган мавзуда уйғумиз келгунча гап сотямиз:

— Шу вақтгача сезмай юраверибмиз-а...

— Кейинги пайтда, айниқса озиб кетувдилар. Биланлари, қарасанг, шундоқ кўктомир...

— Едирса-ийдирса, супурса-сидирса, яна қозон-товоқ дегандай, хазилми?! Мана, ўзворай деяпмиз-у!..

Орадан ўн кун ўтмай, кутилмаганда дарвозадан онамиз кириб келса — ҳайрон бўлганча қотиб қолибмиз. Қўлидаги тугунчасини шоша-пиша айвонга ташлаб, ҳаммамизни бир-бир бағрига боса бошлади.

Бир оздан кейин Шарифжон ёғиги билан секин сўради:

— Нима бўлди, ойи? Ярми ўтмай қайтиб келибсиз?

— Туролмадим. Согинib кетдим сенларни. Ҳар куни туш кўраман, нуқул ҳавотир олдим-эй қайтага. Худди бир нарса бўлаётгандай...

— Шу пайт онамизнинг кўзи ариқ лабида «пишиллаб» турган самоварга тушди-ю, Шарифжонга қарб: — Суви кўпми, қара, тағин эриб кетмасин, — деди.

Шарифжон бўлса: — Чойни бўпти-да, ойи, — деб гулдиради. — Умрингизда бир марта курортга бориб...

— Ке, қўй, сен нимани биларding! — Онамиз зарда билан Шарифжоннинг гапини бўлди. — Қариган чоғимда сенларни кўриб қолганим ганимат. Нима, ўзиб-тиришармидим яна. Гап ўргатма менга!

Шундан сўнг онамиз айвонда турган тугунчагини келтирди-да, магазиндан харид қилган совға-саломлари — тешиккучак, тўрт думалоқ чой, иккита «Беломор», бешта чинни косани бир-бир олиб, дастурхонга қўйди.

Уктам УСМОНОВ.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ В. 171. ИНДЕКС 64543. Р. 10598.

Радио

24 ИЮЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.45 — Эрталабки концерт. 8.25 —Нодир мусика ёзувлари. 9.30 — С. Бобоев. «Байрам куни» симфоник поэмаси. 9.45 — Машина теримига ҳозирдан тайёргарлик кўрайлик (тожк.). 10.30 — Романслар. 11.10 — Радиопочта. 11.25 — Ўзбек операларидан парчалар. 12.15 —Спорт эшиттириши (рус.). 13.40 —Концерт (рус.). 16.15 — Ёшлар учун концерт. 17.20 — Уйғур куйлари. 18.10 — Рус куйлари. 18.30 —Куйлардан қўшиқларга. 19.20— Озарбайжон куйлари. 20.00 — Ёшлар учун. 20.15 — Эстрада-рақс концерти (рус.). 21.20 — Қипчоқ хўжалик мехнаткашлари учун концерт. 22.10 — Адабий-музикали эшиттириш. 23.10 — Лирика кечаси.

Телевидение

24 ИЮЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **Телевизион янгиликлар** (ўзбек ва рус тилларида).

Рус тилида: 18.30 — **Голубой огонёк**, 19.20 — **Улар учун жавобгармиз** (ота-оналар учун илмий-оммабоп фильм), 19.30 — **Палата** (бадиий фильм).

20.55 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 21.00 — **Пойтахтимиз мехмонлари.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — **Андижон область Охунбобоев номли муздрамкомедия театрининг ҳайрлашув гастролларн** — 24/VIIда **Равшан ва Зулхумор**, 25/VII да **Холисхон**. Кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/VII да **Чио-Чио-Сан**, 25/VII да кундуз **Мирандолина**, кечқурун **Фауст**.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Ҳужум — «МИР», «ЁШ ГВАРДИЯ». «ВОСТОК» (кичик залда), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Бўлинган учлик — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун). НАВОИЙ номли (эрталаб соат 11 ярим, кундуз 1 ва 5 яримда).

Қора бизнес— «ИСКРА» (кундуз соат 4-20 минутгача). «ЁШ ГВАРДИЯ» (кеч 10 да).

Жаннатда охирги тун — «ДРУЖБА» (1-залда). «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Улуғ Ватан уруши — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ». «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Ноль уч — «ДРУЖБА» (2-залда). «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Гаврош (эрталаб соат 10 да), **Тўрт йўл** (кундуз ва кечқурун)— НАВОИЙ номли.

Яширин жаннат (кундуз соат 3 да). **Юринг, айёрлар!** (кундуз ва кечқурун) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ».

Лушна — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Бир севги қиссаси — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА
(ёзги бино)
26 июлда
АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ МУЗДРАМКОМЕДИЯ ТЕАТРИНИНГ
ҲАЙРЛАШУВ
КОНЦЕРТИ

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Қамара Бурнашева, Жалил Раҳимов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Азиза Аминова, Малоҳат Исоқова, Айсар Иброҳимов**, Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Шарофиддин Тўхтасинов**, солистлардан **Шарофат Аҳмедова, Маърифат Убайдуллаева, Қимматхон Турғунова, Маҳмуджон Исомиддинов, Уринбой Нуралиев, Матқарим Болтабоев, Ғуломжон Ҳожиқулов, Солижон Олимов, Мадаминжон Аҳмаджонов**, рақосалардан **Тожихон Аҳмаджонова, Турсуной Турдиохунова, Зуҳрахон Юсупова, Онора Тўхтаева, Фотима Иброҳимова, Олимжон Мусаев** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Касса эрталаб соат 10 дан очилади. Билетлар сотилмоқда.

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА
24, 25 июлда
ТОЖИКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ
катта концертлари

Концертда: Тожикистон ССР халқ артистлари **Шоиста Мулажонова, Рена Ғолибова**, Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Зуҳра Каримова** ва бошқалар қатнашади.

Программада: СССР, Яқин Шарқ мамлакатлари, тожик, ўзбек, ҳинд, афғон ашула ва рақслари.

Халқ чолғу ансамбли жўр бўлади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Касса кундуз соат 2 дан очилади.

«Ўзбекистон» коллективи «Ўзбекистон» республика конторасининг бошқарувчиси Э. А. Асомовга отаси
АКМАЛХОН АСОМОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.